

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Тилшунослик институти

Э.БЕГМАТОВ, А.МАМАТОВ

АДАБИЙ НОРМА НАЗАРИЯСИ

1 қисм

ТОШКЕНТ
„Наврӯз“
1997

Мазкур китобда чет эл тилшунослигида, рус тилшунослигида ва туркйшунослиқда адабий тил ва адабий нормага сид ишлар ўрганилган, таҳлил қилинган ва улар илмий жиҳатдан умумлаштирилган. Китобда адабий норма тушунчаси, адабий нормадан талаб қилинувчи мезонлар, адабий норманинг тияллари, адабий норманинг шаклланиш ва яшаши қонуниятлари, адабий тилни нормалаш каби муаммолар ўрганилган.

Китоб олий ўкув юртлари талабалари, аспирантлар ва шу соҳа бўйича илмий кузатишлар олиб бораётган барча тилшунос мутахассислар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор
Н.Махмудов
филология фанлари доктори, профессор
Б.Уринбосен

СУЗОШИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақиаликка эрининчи ва истиқлол нўлида дадил қадамлар билан олга шитлаётгани ўзбек халқининг маданий-маънавий ҳётида улкан ва сермазмун ўзгаришларниң юз беривига олиб келди. Айниқса, мислий қадриятларниң тикланиши, халқ маънавияти ва маданиятида мислий руҳни тиклашга берилаштган зътибор ўзбек халқининг турмушини, ахлоқий-этикаий зътиқодларини янги, даётбахш мазмун булиб тўлдирамоқда.

Кейинги беш йил давомида Ўзбекистониниг иқтисодий, сиёсий, мағкуравий ҳётида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Ҳужаликлигининг, мулкчиликининг янги тармоқлари юзага келди, республиканинг ташки дунё билан турли-туман алоқалари ниҳоятда кучайди ва ривож тоиди. Мана шундай сезиларни ўзгаришлар ўзбек тили соҳасида ҳам юз берди. Булар шималарда кўринади:

Биринчидан. ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди ва ўзбек адабий тили Ўзбекистон давлатининг асосий ва етакчи тилига айланди.

Иккинчидан. ўзбек тилининг ижтимоий вазифалари, яъни хизмат қилиш доираси ниҳоятда кенгайди, аввалдан мавжуд соҳаларда эса янада чукурлашиди. Маълумки, шуролар даврида молиявий ишлар, суд ва хукуқ соҳаси ишлари, деярли барча идораларда иш юритишга оид хужжатлар, ҳарбий соҳа, давлатиниг очки ва ташки ишларига оид хужжатлар, деярли барча съезд, курултой, илмий анжуман, жамоа йигинлари ва бошқалар рус тилида олиб борилар эди. Эди булар давлат тили - ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди.

Учищчилан, мустакилик даврида ўзбек тилига рус тилининг таъзинйи барҳам топди, унинг таъсири сусайди. Рус тилидан ўринли ва ноўрин фойдаланавериш, “русча-байналмилал сўзлар” деб юритиб келинган сўзларни оммавий тарзда қабул қиласавериш жараёни ўз мавқенин йўқотди.

Тўртничидац, ўзбек халқи маданий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби тил соҳасида ҳам миллий руҳни, миллий имкониятларни тиклаш учун ҳаракат кучайди. Натижада ўзбек тилида олдинлар сўз қўллашда ҳадеб ташқи имкониятларга (сўз қабул қалиш усулига) зўр берилгап бўлса, эндиликда тилининг ўз ички имкониятларидан фойдаланишга итилиш асосий мезон бўлиб қолди. Бунда, бир томондан, ўзбек тилининг ўзида аввалдан мавжуд имкониятларга мурожаат қилиш (*вилоят, туман, мавзе* каби сўзлар), иккинчидан, янги сўз ва терминларни ҳосил қилиш (*ҳисобхона, қайднома, маълумотнома, ташрифнома* каби сўзлар) етакчи ўрин тутмоқда.

Бешинчидан, ўзбек тилининг вазифавий шароити, унинг атрофидаги нутқий (лисоний) куршовда ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Авваллари ўзбек тили асосан рус тили билан мулоқатда бўлган ва русча нутқий куршов таъсирида яшаган бўлса ҳамда Ўзбекистонда ўзбек-рус иккитиллиги ривож топган бўлса, эндиликда ўзбек-инглиз иккитиллиги, ўзбек-француз иккитиллиги, ўзбек-немис иккитиллиги, ўзбек-турк иккитиллиги каби янги нутқий ҳолатлар юзага келмоқда. Келажакда ўзбек-рус-инглиз утилилиги (тетралингвизм) каби нутқий ҳодисаларнинг ҳам юзага келиши учун шароитлар ҳозирланмоқда. Инглиз, француз, немис ҳатто япон тилининг Ўзбекистонда кенг ёйила бориши эндиликда эҳтиёж сезилган турли сўз ва терминларнинг бевосита

шу тиларниет ўзидан кириб келинингта бўл очади. Аввалинига бундай сўзлар, асосан, рус тили ордали ўзлантиришар эди.

Однигидан, илгари ўзбек тили соф лисонни нуқтани назардан тадқиқ қилиб келингали маълум. Мустақиллик даврида тилга ҳалқ миллӣ қадрингларининг таркибий қисми, маънавий, малзими мерос сифатида ёндошони ва тил, унинг бойликларини мана шу нуқтани назардан талқин ва таҳдии қизини имконияти ҳам таркиб төсли. Бу йўналашининг ривож тонгаёттани ўзбек тилин қадимий битикларини ўрганинга эътиборининг кучайганлигига, тилининг кўхна бойлиги бўлган исемлар, тоонимизлар, этионимларининг бой материалларини миллӣ қадрингларини намунаси сифатида талқин этилаётганлигига, сўзларининг этимологинига эътибор берилгаётганнида ёркни намоёни бўймокда.

Қайд қилинган ва шунга ўхшаш бошقا хил ўзгаришилар ўзбек тилида кейинги найтда маълум ўзариниларни юзага келтирди. Бу уч ҳолатда ёркни кўзга ташланади:

1. Ўзбек тилига миллӣ руҳ багишланаш ҳаракати туфайли олиб борилган тадбирлар бу тил терминологиясидан бальзи сўз ва терминларининг чиқиб кетининг олиб келди. Масалан, *совет*, *область*, *справка*, *характеристика* ва бошқалар. Аммо бу жараёнда маълум сунъийлик ва ноўрзин ҳолатларга ҳам йўл кўйилди.

2. Кейинги йилларда юз берган ижтимоний ҳаётдаги, савдо-сотиқ, дипломатик муносабатлардаги ўзгаришлар туфайли ўзбек тилида бир қатор сўз ва терминлар пайдо бўлди. Буларнига маълум қисми ўзга тиллардан кириб келган (*биржса*, *спонсор*, *бартер*) бўлса, бошقا қисми ўзбек тилининг ўзидан янгидан ясалди.

Ушбу яғын сўз ва терминларниң ўзбек тилида пайдо бўлини
қанчалик ўринилди, мақсадга мувофиқ бўлганни ҳали илмий жиҳатдан
таҳдил қилиб баҳоланганича йўқ.

3. Ўзбек тилининг авваллар кам ривож топган нутқий
услублари: расмий-идоравий ишлар услуби, дипломатия услуби,
молия ва савдо-сотиқда оид нутқий услуб кўринишлари,
шунингдек аниқ фанлар соҳасининг академик илмий услуби, дипни
нутқий услуби жадал ривожланыш ва шаклланиш йўлига ўтди.

Табиийки, бу нутқий услублар ривожи ўзбек тилидан ўзига
хос ва мос лугавий воситалар, синтактик услуб қоидаларини
талафузда ҳар бир услугга хос меъёрларни талаб қилмоқда.
Мана шу каби ўзгаришларниң барчаси кейинги йилларда ўзбек
тилининг лугавий, синтактик, қисман морфологик нормаларида
маълум иккиланишлар, тармоқланиш ва мосланиш жараёнларини
юсага келтирди. Шу туфайли тилининг сўз қўллаш нормаларида
исаниқлик, вариандорлик, синтактик қоидаларда нотургузлик,
қайта шаклланиш ҳодисаларини кучайтирди.

Айтилганлардан ташқари кейинги йилларнинг тажрибалари
тилнинг ҳаётига, униг ривожланиш қонуниятларига
аралашишнинг, тилни нормалаш, онгли бошқариш ишига
муносабатнинг маълум меъёрларини, илмий асосланиш йўлларини
билиш, унга амал қилиш лозимлигини ҳам кўрсатди. Мана шу
талабга амал қилмаганлик туфайли ўзбек тилидан зўрма-зўраки
равишда “ҳайдаб чиқарилган” бир қатор сўзлар бу тилга яна
қайтиб келди (*газета, демократия, республика, журнал, университет, институт ва бошқалар*). Чунки ушбу
ҳаракат заминида пообъективлик, тил нормаларининг ривожланиш

ва яшаш қонуниятлариниң билимаслик, фақатгина “миллийликка иктилини” дег аслида иоилмий, сохта жиссият ётар эди.

Юқорида келтирилганлариниң барчаси тил ва унинг нормалари ривожига илмий нуқтаи назардан, асосли ва ҳолисона ёндашиш лозимлитетини кўрсатади. Бунинг учун эса адабий тилининг можиятиниң биллиш, адабий тил нормалариниң шаклланиш, ривожланиши ва бойниш қонуниятларидан хабардор бўлиш, адабий тийга муносабатда уни бойиниш нормаларини силлиқшаш ва унга сайқал беришда қандай түғри талаб ва мезонларга суюниш кераклигини тушуниш лозим бўлади.

Афсуски ўзбек тилшунослигида адабий тил нормаларининг назарий муаммолари деярли тадқиқ қилинган эмас. Кейинги пайтда пайдо бўлган баъзи тадқиқотларни* бу йўлдаги дастлабки қадам деб баҳолаш мумкин.

Адабий тил ва адабий нормалариниг ривожи ниҳоятда мураккаб ҳодисадир. Шу сабабли тилшунослик фанидаги кўнгина чигал ва мунозарали ўринлар ҳам мана шу муаммо доирасига киради. Адабий тил нормалари ривожланиш қонуниятларини назарий жиҳатдан чукур ўрганимасдан, эгалламасдан туриб нормалар “ҳаёт”ига араласиши, уларни маълум меъёрга солишга ҳаракат қилиш кўпол ҳатоликларга олиб келиши ва бу нутқий амалиётта сезиларли зарар етказиши шубҳасиз.

* Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти.

Тошкент: “Фан”, 1983;

Маҳкамов Н. Адабий норма ва пленоазм. Тошкент: “Фан” 1988
ва бошқалар.

Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва
фразеологик норма муаммолари. Тошкент: “Фан”, 1991;

Адабий норма назариясини эгаллаш, албатта, бу соҳада тилинносок фани эрингай ютуқларни бисишини талаб қиласди. Бу талабини қондириши учун эса, бу муаммога доир тадқиқотлариниң истижаларини илмий умумлантиришини ўзига оғизди.

Унбу монографик ишда мана шундай эзгу ияят мақсад қилиб олнисан. Муаллифлар адабий норма муаммоларига оид З қисмдан иборат иш тайёрлаган бўлиб, мазкур китоб ўна ишнинг І-қисмидир ва у “Адабий норма назарияси” деб аталади.

“Адабий норма назарияси” адабий тил ва адабий норма бўйича чег эл тилиннослигида, рус тилиннослиги ва туркӣнносликда адабий нормага оид ишларин ўрганиши, таҳдил қилини ва уларни илмий умумлантиришига багишланганадир. Ишда адабий норма тушунчаси, адабий нормадан талаб қилинувчи мезонлар, адабий норманинг тиллари, адабий норманинг шаклланиш ва яшаш қонушиятлари, адабий тилни нормалаш каби муаммолар ўрганилган.

Муаллифлар ўзларининг кейинги тадқиқотларини ўзбек адабий тилининг конкрет нормалари сатҳларини ўрганишига багишланган иятидаидир.

Тил нормаси тушунчаси ва унинг ўрганилини тарихидан

Тилишуюслик фани ўз шаклларини ва ривожланиши тарихига ога бўлгани каби тил нормаси муаммоларини ўрганини ҳам мальум тарихга эга. Тил нормасига оид муаммолар пайдо бўлгандаи буёи чет элларда, собиқ Иттифоқда бу масалага бағишланган бир қатор назарий ва амалий ишлар қилиниди. Аммо тил нормасининг моҳияти ва унинг тил тизимидағи ўрини ҳанузгача етарли даражада ҳал қилибмаган. Назаримизда, бунинг сабаби қуйидагилар:

Биринчидац. лисоний норма тушунчаси тил, нутқ, тил тизими, узус, адабий тил, ижтимоий ва профессионал лаъжонлар ва шу каби жуда мураккаб, ҳозиргача тилишуюсликда ўз очимини тўла томмаган тушунчалар билан узвий боғлиқдир.

Иккинчидац. бу муаммони жиддий ҳал қўлишдаги асосий масалалар: 1) “норма” деб қандай тил ҳодисасини айтса бўлади? (яъни, норманинг умумназарий масалалари ва яхлит таърифи масаласи); 2) тил нормасидаги ўзгаришларининг асосий сабаблари вимада? (норманинг динамиклиги, имманентлиги, ижтимоий ҳодиса эквалиги масалалари); 3) бир маънони англатадиган икки тил бирлигидан қайси бирини адабий норма доирасига киради деб ҳисоблаш мумкин? (нормада вариантдорлик, услубий тармоқлангашлик ва шу каби масалалар); 4) умуман лисоний нормадаги ўзгарувчалик (динамилик) ва бу жараёнда тилда ёки нутқда юзага келувчи тўғрилик ва хатолик ўртасидаги чегарани қандай аниқлаш мумкин? (яъни нормадан четта чиқишилар) каби муаммоларининг ҳозирга қалар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан етарли даражада тадқиқ этилмаганилигидадир.

Лисоний нормани ўрганини бўйича мавжуд ишларни кузатиш бу муаммоларни ўрганини борасида тўрт асосий марказ мавжулигини кўрсатади. Булар: 1) чех (Прага) тилишунослик мактаби; 2) Э.Косериунинг илмий назариялари; 3) америка, инглиз ва немис тилишуносларининг илмий қарашлари ва 4) собиқ Иттифоқ тилишунослигидаги илмий назарий қарашлар.

Биз узбу ишмиизда тил нормасини ўрганини бўйича қайд қилинган илмий марказларда олиб борилган ишларни иложи борича тўлиқ таҳлил қилингана ҳаракат қиласаниз. Бундан мақсад ўзбек тили лисоний нормаларини келгусинда конкрет таҳлил қилиш учун назарий асос яратишдан иборатdir. Бу ўринда таниқли тилишунос Б.С.Шварцкопфининг куйидаги фикрини көлтириб ўтиш ўрнилидир: *“Норма масаласи ва адабий тилни нормалаштириши билан боғлиқ бўлган муаммоларни баён қилиш умуман тил нормаси, хусусан адабий тил нормасининг моҳияти ҳақидаги назарий қарашлар ривожланишининг шарҳисиз бу муаммони тўлиқ ёритиб бўлмайди.*

Гап шундаки, лингвистик адабиётда норма тушунчасининг моҳиятига, бу тил ҳодисасининг ҳар хил аспектларига турлича ёндашилган ва жуда кўп таърифлар берилган.

*Ана шу ҳар хиллкларда назарий изланишларниң бир неча йўналишларини кўриш мумкин”.**

* Шварцкопф Б.С. Очерк развития теоретических взглядов на норму в советском языкоизании.// Актуальные проблемы культуры речи. М.: Наука. 1970. с. 369

1. Лисоний норма муаммосининг чет эл тилишуюнослигида ўрганилиши

Узоқ вақтлар давомида тил нормаси ва адабий тилин нормалаштириш муаммолари тилишуюслар эътиборидан четда қолиб келди. Бу масалани ҳал этишда Прага тилишуюнослик мактаби деб юритилувчи илмий марказининг хизмати бекиёсdir. Улар тил нормасининг объектив ҳодиса эканлигини, унинг тил тизими ичидаги моҳиятини кўрсатишга ҳаракат қилидилар, бу эса кейинчалик жуда кўп тилишуюслариниг илмий кузатишлари объекти бўлиб колди.

Прага тилишуюнослик мактаби намояндалари тил нормасини, адабий тилинг асосий вазифаларини адабий тил нормаси кодификациясининг амалий масалалари билан бирга узвий ҳолда таҳлил қилидилар. 1930-йилларнинг бошида Прага тилишуюнослик мактаби аъзоларининг илмий ишларида тил нормаси ва адабий тилин нормалаш, унинг кодификацияси масалалари катта назарий муаммо сифатида таҳлил қилинди. Улар тил нормасини вазифавий (функционал), ижтимоий-лисоний (лингвосоциологик) ва конкрет лисоний-тарихий ҳодиса сифатида ўргандилар. Энг аввало шуни қайд қилини керакки, Прага тилишуюнослик тұғараги аъзолари тил нормасини у ёки бу тилда сўзловчи умумжамоа томонида мунтазам равишнде фойдаланиладиган лисоний структура воситаларининг йиғинидин деб тушундилар. Тил нормасини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганда бу мактаб аъзоларидан Б.Гавранек, В.Матезиус, А.Едличка, В.Барнет, Е.Вахек ва башқаларининг хизматлари диккатта молиқлар.

Маълумки, XX аср бенларида тилингиносликда структурализм оқими найдо бўлиб, бу оқим (структуралистлар) норма түшунчасини анча жиҳдий, илмий назарий таърифланганга ҳаракат қылди. Чех тилингиоси Б.Гавранек ҳам тилга, хусусан норма масаласига структурал нуқтани назардан ёнданади.

Б.Гавранек ўз олмий кузативларидаги норманинг тизими (система) сифозида характерлаб, норма түшунчаси тил мавжудлиги доирасига бевосита алоқадорлигийни ва тизи доирасида мажбурий қўлманинг тасъидлайди.

У адабий тил моҳиятидан келиб чиқиб, унинг яиги түшунчаларини тасвир қўлди ҳамда тил нормаси ва адабий тил кодификацияси назариясини асослашинга уриди, адабий тилининг услугубий (стилистик), қабатланганилик назариясини вазифавий (функционал) нуқтани назардан ёнданади ҳолда ишилаб чиқди ва чех шутқи маданиятининг ривожланишинга катта ҳисса қўшди.

Б.Гавранек тиз нормасининг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилини пайтида адабий тил билан ҳалқ тилини қиёслаб ўрганди ва норманинг кўп жиҳатдан узус белгиламайди, лисоний норманинг юзага келишини ва шаклланишинида фақат тилдан фойдаланишини асосий омил эмас, чунки адабий норма ўз моҳиятига кўра ҳалқ тили, унинг тузилишини ва характеристидаи фарқланади. Шу сабабли адабий тил нормасининг юзага келишинида узус маълум роль ўриаса-да, асосий, ҳал қилувчи омил бўла олмайди,* - деган холосага келди.

* Пражский лингвистический кружок. - М.: 1967, 340-бет.

Чех тилинунеслик мактабининг бошқа бир вакили юзорада қайд қилингани фикрии бошқачароқ усулда ифода этиб шундай ёзди: “*Норма категорияси ҳеч қаноп факат адабий тил билан чегаралсанмайди ва факт у билан бөллиқ эмас, лекин шунга қараласдан норма муаммоси адабий тилга ишсватан энг мураскиб за ижтимоий зарур ҳодисадир. Аммо адабий тил нормаси ўзига хос ҳусусиятларга эга, зоро, унинг муаммолари ҳам ўзига хос кўринишларга эга эканлиги билан характерланади*”.*

Б.Гавранек эса тил нормаси ҳақида фикр юритар экан, лисоний нормадаги умум учун мажбурийлик омилини асосий белги деб ҳисоблаиди.

Б.Гавранек, “*тил нормаси, бу маълум бир лисоний гурӯҳ аъзолари учун шарт бўлган, мажбурий қондадир. Норма тил тизимида ўз аксини топади ва нутқда мунтазам равшида ишлатилади, акс ҳолда у ўзининг энг муҳим вазифаси - кашшалар ўртасидаги алоқа воситаси вазифасини бажара олмаган бўлар эди*”**- деб ёзди.

* Е д л и ч қ а А. Проблематика нормы и кодификации литературного языка в отношении к типу литературного языка. // Проблемы нормы в славянских литературных языках в синхронном и диахронном аспектах. М.: 1976. с. 18-19.

** H a v r a n e k M.B. Zum Problem der Spachnorm. Actes du quatrième Congrès international de linguistes. Copenhague. 1938. p. 152.

Б.Гавранек ушбу фикрин давом эттиар экани, ҳар қандай тил гурухи, у хоҳ ҳудудий гурух, хоҳ ижтимоий гурух бўлсин, ўзининг тил нормасига эга. Норма тушунчаси нафақат адабий тилга, балки лисоний норма маълум қоидалар мажмуси сифатида тилниң ҳамма кўринишларига ҳам хос эканлигини айтади. Ҳар қандай миллӣ тилниң адабий нормаси ўз шаклларин ва ривожланиш тарихига эга бу жиҳатдан у диалект ва оғзаки нутқининг фарқлари ҳақида фикрин янада кенгайтириб, Б.Гавранек қўйидаги тезисни олга суради: бир томондан, адабий норма оғзаки тилдан ажralиб туринига ҳаракат қиласди (чунки оғзаки тилда ишевалар ҳам мавжуд), иккичи томондан эса, адабий тилниң энг муҳим хоссаси - ҳамма тушунадиган, соддалик, жўлилк хусусиятлари унинг оғзаки тил билан яқинлашишинга туртки бўлади (яъни оғзаки нутқ нормаси адабий тил нормасига яқинлашуви маъносида). Бу қарама-каршилик адабий тилниң ҳам, оғзаки тилниң ҳам мунтазам ривожланиш, тараққиёт манбайдир. Б.Гавранек назариясининг тил нормаси ҳақидаги бошқа чет эл тилишунослари назарияларига нисбатан мукаммаллиги шу билан изоҳланади, у тил нормасига хос бўлган қўйидаги энг зарур хусусиятларини апглаб етади ва эътироф этади:

- норма тушунчаси кенг ходиса бўлиб, у нафақат адабий тилга, балки ҳудудий диалектларга ҳам хосdir;
- адабий норма норма ривожланишининг энг юқори босқичидир;
- адабий норманинг ривожланиши миллий тилниң ҳар учала комионентлари (адабий тил, оғзаки тил, диалектлар)нинг бир-бирига боғлиқлиги билан, алоқадорлиги билан характерланади;

- адабий норманинг ўзаро фарқ қиласиган ички белгилари ҳам тил сатҳларида аниқ ифодаланган функционал-стилистик қатламларининг мавжудлигига кўринади;

- норма учун барқарорлик ва айни пайтда ўзгарувчалик ва ұнвожланувчалик характеридир.

Аммо Б.Гавранек назариясининг бир неча камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат деб ҳисеблаймиз:

- Б.Гавранек тай олишича, у нормани фақат тилинг ўзига хос бўлган лисоний ҳодиса деб тушунади, айни пайтда у нормани тил нуқтаи назаридан эмас, балки нормага жамиятининг унга алоқаси нуқтаи назаридан текширади (масалан, миллий тилинг адабий нормаси шаклланиш даврида жамиятининг нормага онгли интилиши; мавжуд бўлган тил нормасига аниқ, бекаму кўст амал қилини талабининг ўсими каби тезисларни олга суради);

- унив. фикрича, ижтимоий диалектлар (жаргонлар) ўзларининг маҳсус нормаларига эга эмас, чунки улар умумказиқ тилидан фақат жаргонга хос лугавий ҳусусияти билан фарқ қиласи; - Б.Гавранек лисоний нормани ташкил қиласиган қонидаларининг характеристи, ўзига хос белгилари ҳақида ҳеч нарса демайди. У нормани тил тизими ва тузилини билан боғламайди.* Чех тилишунослари томонидан норма тушунчасининг талқин қилиниши кейинги даврларда “узус” ва “адабий тил”, “норма” ва “кодификация” (қонуилаштириш) тушунчаларининг тўларој, батафсил, жiddий таърифланиши билан характерланади.

*- Пражский лингвистический кружок. М.: 1967.

Тил нормаси ҳақида Б.Гавранек олдигига сурған назарий фикрлардаги баъзи камчилик ва изчиликлар ҳақида ўз вактида Л.Н.Дзекиревская ҳам мулоҳазалар билдирган эди.*

Бу масалалар бўйича В.Барнет ҳам фикр юритиб, адабий тил нормаси билан ишадабий тил нормалар орасидаги фарқлар тил системаси ва норма, кодификация ва узус орасидаги муносабатлар билан боғлиқдир. Тилнинг ишадабий кўрининиларида норма система ва узуснинг муносабатиданги иборат бўлади, - деган жумесага келади.**

Пратаг лингвистик тўгараги намояндадарининг норма назарияси ҳақидаги фикрларини қўйидагача тавсифлаш мумкин: узудан тил нормаси диражасига кўтарилиш бир даврдаги нормадан иккичи бир давр нормасига бир неча нормалар жараёнини босиб ўтиш орқали содир бўлади. Бу хилдаги таъриф имлийит равишда норманинг система-тил структураси-узус билан боғлиқлигини кўрсатади, шунингдек, тилнинг нормативлиги ва унинг ижтимоий вазифаси ўртасида диалектик боғлиқлик борлигидан далолат беради.

*- Дзекиревская Л.Н. К проблеме нормы в языке и стиле. (На материале немецкого языка) // Вопросы германской и романской филологии. Учен.зап. МГПИИЯ, т.27, -М.: 1963, с. 279

**- Барнет В. Языковая норма в социальной коммуникации. // Проблемы и нормы в славянских литературных языках в синхронном и диахронном аспектах. М.: 1976. с. 48

Яна бир чек олими Йозеф Вахек тал ёзув шаклиниң ижтимоий аҳамияти түгрисида кузатишшар олиб бориб, ёзув тилини лисоний иуқтаи назардан ғурганиш зарурлигини таъкидлайди ва тил ёзув шаклиниң ижтимоий ролини, унинг ижтимоий обрүсини юксак баҳолайди. “Агар тиљ жамоаси ёзувини тақомиллаштирулмаган экан, демак, у ҳали ўз тилининг паширинган имкониятларини тўлиқ дираҷасада билмасиги аниқ ҳақиқатидир”,*- дейди Й.Вахек. Чунки ёзув нормаси вазифаларини оғзаки норма бажара олмайди, оғзаки нормада ёзув нормасига керакли бўлган воситалар йўқдир.** Бу фикр билди Й.Вахек ёзув билан ёзув нормасини бир хил нарса деб тушуниади. Бу, албатта, мунозарали ва иуқсоноидир. Бу тадқиқотчаниң иуқтаи назарича ўз ёзувига эга бўлган тилгина “Нормал” тил хисоблачниши керак. “Ёзув нормаларига эга бўлмаган тиллар нормал нарса деб қаралмаслиги керак, чунки ёзув лингвистик жараёшлиарниң асосини тааскил қиласди. Ёзусиз тал функционал жиҳатдан ионормал, етарли эмас: зритами ёки кемми, бундай тиллар ўз нормаларини ривоҷлантиришилари шарт, чунки юзлаб-тиллар шундай қилдилар ва қилмоқдалар”,***-деб таъкидлайди Й.Вахек.

Шундай қилиб , Прага лингвистик тўғараги аъзолари адабий тил ва унинг нормасининг функционал можияти ҳақида яхлит, бир бутун гоя яратдишар. Кейинги ўн йўлликларда сабиқ Йттифоқ тишлинослигида тил нормаси ва унинг

* - Vachev I. On the linguistic status of written utterances. Omagiu lui Alexandru Rosetti. Bucuresti. 1965. p.959-963.

**- Вахек Й. Ўша ерда. 960-бет.

***- Вахек Й. Ўша ерда. 961-бет.

кодификацияси муаммоларини очиш берасида жуда күн жижатдани. Прага функционал - структурал тилшуннослиги намояндадарининг дайд этилаги бойларига асосланадигар ва бу илмий мактабининг лесоний гояларини рус тили ва барча миллий халқиар тилларига талбик қўйилдиар ҳамда ўнига гол атрофида илмий-омалий изуватиниар олиб борианди.

Асеримизининг 50-йилларига келиб норма муаммоларини тадқиқ қилини тал воситалярининг қўйиланишини муайян тартибга, нормага солини аессида олиб берилди. Норма тушунчасига бу каби янгина ғиданани манжур тилшунисе Э.Косерику таълимоти билан бевосита болактир. Э.Косерику норманий ижтимоий шукрни назардан объектив, тартибга солинган ва ташланган ҳодиса деб тушунса, кодификацияни - субъектив, факат тил шукрни назаридан тўғри бўлган ҳодиса, категориялар деб тушунади. Унинг Фикрича, тил системаси ва структураси тилнинг ҳамма ҳодисаларини ўз ичига қамраб оломмайди. Ҳар бир тил ўз ифода томонида ҳам, маънио темонида ҳам ўзининг вариандорлик ҳусусиятларига эта.

Э.Косериунинг тилшуннослик фани олдидағи хизматларидан бири шундаки, у тилдаги вариандорлик тушунчаси системанинг ҳусусиятидан келиб чиқсан ҳодиса эмас, балки норманинг ўз моҳиятидан келиб чиқсан ҳодиса эканлигини исботлайди ва шундак бўлган турли хил чекипишиларни ҳам норма белгилайди, деб ҳисоблайди. Э.Косериу ўтмишдошлиаридан фарқли ўтароқ, нормани тер ва кенг маънода талқин қиласади. Кенг маънодаги норма, унинг фикрича, бу “*тилнинг яшашини таъминлайдиган барча лисоний ҳусусиятлар йигинидисидир*”. Тер маънодаги норма эса бу “*функционал аҳамиятдан (қийматдан) маҳрум бўлган тил*

зеленчуктардан".² Нормасини төр мәнинде гүзүүшүүнүү система түшүнчесинин қарама-каршындады. Системадаги қарама-каршиликтер мәлум моделлар ордади амалга ошириллады, нормасынан бу моделларни муайян равнинада үйүбгө чиқарады. Төр мәнинде норма линсий моделларин амалда табдиқ кызын жаряйында конкретлаشتырылып ва түлдирлип берилады.

Э.Косерининг диктотта сазовор бүлгөн жөзмитларидан яка бирий шуки, у тил нормасын да уннинг кодификациясын ўргасидаги чегарани анықлада берди. Олның үз илмий ишларында тил нормасын да уннинг кодификациясын ҳодисаларини чегаралаш юзасидан Прага лингвистик түгәратын намояндалари олдинига сурган тояларини яида түлдирди, да мұкәммаллаштырды. Лекин чех тилишуюсларинин тоялари билан Э.Косерику фикрлари ўргасында мәлум фарқдар мавжуд.

Чех тилишуюслари адабий тил нормасын түшүнчесини кодификациялар түшүнчесидан ажратып ўргандылар. Шу билан бирлікте, улар адабий тил нормасидеги аңынавий да иштеги тил унсурлариниң негизги жысбага олдилар, аксина, тионник архайлар, эски шакллары кодификациясими инкор күлгендар.

Э.Косерику голсиининг Прага тилишуюсук мактабы вакылдары фикрларидан фарқы шундакы, у засосым диктатия тиленең системали ўзгаришларига қаратып да үзининг “система-норма-шүткүй” схемасы билан тил нормасын да уннинг кодификациясын ҳақидаги үз илмий фикрларини бошқаларға нисбетан батағсызлоқ

* Косерику Э. Синхрония, диахрония и история.// Новая в лингвистике. Вып. 3. М.: 1963.

баёи қылди. Аммо Э.Коссернунинг бу схемасида ҳам бир қанча камчиликлар бўлиб, бу камчиликларниң ўринин тўлдириш кейинчалик бошқа тилшуносалар зиммасига тушид.

Тил ҳодисаларининг тўғри ёки потўғрилиги (яъни, нормативлик) муаммоси кейинги пайтлаarda чет эл тилшунослигига, сабиқ Иттифоқ тилшунослигига қизғин баҳслар, мунозиралариңт мавзуи бўлди. Олимлар бу муаммога турлича ёндашдилар ва талқин қўлдилар. Бу ҳол “тил нормаси” тушунчасининг жуда мураккаблиги билан изоҳланади. Чунки унда бир қанча ва баъзи бир-бирини ишкор қўладиган белгилар мавжуд. Ўзгиз ва америкалик тилшуносалар норманинг табиятини, ҳусусиятларини ўзларининг лингвистик ва социолингвистик шархирида ёрнтилар.

Инглиз тилшунослигига тил нормасининг моҳиятини аниқлашда бир неча йўналишлар мавжуд. Биринчи гурӯҳга кирувчи тилшунослар, шу жумладаи Э.Гауэрз*, А.Маркуордт** ва бошқалар нормани умумжамоа томонидан кўлланиладиган ва тил жамияти томонидан тўғри деб қабул қилинган тил шакл (форма)лари деб тушунадилар.

* Gowers E. Plain words & A quide to the use of English.

L.1948. p.28.

** Marcwardt A.N. and Walcott F.Q. Facts about courrent English usage. English monograph 7. National Council of Teachers of English. N.Y. - L.1938. p.20.

Бонқача қилиб айтганда, уларнинг фикрича тил ҳодисаларининг умумқўлланилиши уларнинг нормативигидан далолат беради. Бу фикр биринчи бўлиб инглиз тилишунослигида Р.Тренч* томонидан айтилган эди. Жумладан, у шундай ёзди: "... *тилинг тилишунос ҳуҳлаган элементлари* эмас, *балки тилда ҳақиқатан ҳам нима мавжуд ва ишлатилаётган* бўлса ўша тўғридид".

Иккинчи гурӯҳ тилишунослар, масалац, Г.Хартунг ва Р.Пулилар** нормани тамомила қарама-қарши иштаги назардан талқин қиласидар. Уларнинг фикрича, маҳсус қўлланималар ишмани тавсия қиласа, ана шу тўғридир. Бу фикрга кўра норма грамматика мутахассислари, лугатшунослар ва маҳсус тавсияномаларни тузувчилар томонидан белгилаб берилган қонуидир. Бу назария тарафдорлари норма тилининг ўзида бўлмайди, балки у тилишунос мутахассислар томонидан яратилади, белгилаб берилади, деб ҳисоблайдилар.

Норма масаласига функционал жиҳатдан ёндашувчиларининг фикрлари ҳам эътиборга лойикдир. Масалан, Д.Крэпп*** иермани иккى аспектда олиб қарайди, яъни у тилда "норматив" қўлланышлар ва "яхши" қўлланышларни фарҳлайди. Олим маълум тил умумжамоаси томонидан қабул қилинган умумқўлланишларни норматив деб тушуниади. Тил жамоаси аъзоларининг фикрлари ва ҳиссиётларини аниқ ва тушунарли қилиб берадиган тилни "яхши"

* Trench R. Ch. On some deficiencies in our English dictionnaires // Transactions of the philological society. L.: 1857. part II. p.4-5.

** Pooley R.C. Teaching English usaqe N.-Y.-L.1946.

***Krapp G.Ph. Modern English. Its growth and present use.N.Y., Chicago, Boston. 1909. p. 333

тил деб баҳолайди ва бу “яхши” тил норматив бўлиши шарт эмас деб билади. Унинг фикрича, “норматив” тил битта бўлади, “яхши” тил эса бир нечта бўлиши мумкин. “Яхши” тил ҳисобига у сўзлашув тилида қўлланиладиган соддатил сўз ва ибораларни, оғзаки тил ва адабий тилни киритади. У “яхши” тилни баҳолашининг меъзони тил бирликларининг конкрет нутқ вазифасига функционал жиҳатдан мос келиши деб тушунади.

Д.Крэплининг бу гояси кейинчалик Р.Пули, Ч.Фриз, В.Г.Костомаров, А.А.Леонтьев, Б.Н.Головин ва Прага тилшунослик тўгараги аъзолари томонидан ривожлантирилиб, нормадаги “коммуникатив мақсадга мувофиқлик” мезонининг яратилишига асос бўлди. Д.Крэплининг фикрича, норманинг мунозарали томонлари маълум тил умумжамоасининг тилдан фойдаланиши, тилинг ишлатилиши устидаги кузатишлар йўли билан ҳал қилинади. Шу билан бирга нормани белгилашда анъанавий ёзув манбаларига эмас, балки бевосита ҳозирги давр тил амалиёти устидан кузатишларга асосланиш керак, деб таъкидлайди Д.Крэпли. Бошқача қилиб айтганда, норматив тил қўлланишишининг асосий майдони бу оғзаки нутқдир. Унинг фикрича, тилшуносларининг вазифалари тилдаги асосий тенденцияларни ҳам, нормадан четга чиқишиларни ҳам, тил бирликларининг ўзгариб туришларини ҳам қайд қилишдан иборатдир.

Бу назарияни ривожлантириб, Р.Пули,* аввало, норматив адабий тилинг кўп функционаллигини таъкидлайди. Бошқача

* Polley R.C. Teaching English usage. N.-Y.-L. 1946. p. 17-25

қилиб айтгаңда, адабий тил умумий нормасининг мавжудлиги, ҳеч қаноң бу норманинг вариантилари мавжуд бўлишини ишкор қилмайди. Бу ҳол эса тилда бир неча функционал услубларининг мавжуд бўлиши билан боғлиқдир. Ўзининг вазифавий раиг-бараглиги туфайли адабий тил фикрларини содда, аниқ қилиб ифода этинга қодирдир. Р.Пулли тил нормасининг тадрижини (эволюциясини), норманинг функционал жиҳатдан тўғрилигинин амалда исбот қилиш жараёни деб қарайди. “Яхши” тил тилининг ўзида содир бўладиган ўзгаришлар билан бир пайтда ўзгариб, янгиланиб туради. Норма моҳиятининг бундай тушунчилини тилдаги турли ҳодисаларни баҳолашда катта роль ўйнайди.

Қайд қилинганиларга қардамасдан, тил системасида норманинг ўрини ҳақидаги масала комаълум бўлиб қолмоқда. Система ва норма тушунчаларининг аниқ чегараласини Э.Косериунийн ишларида баён этилган. Олимнинг фикрича, система ва норма узвий боғлиқдир. Система нормада амалга ошади, норма эса система доирасида тил воситаларининг ташланishi билан боғлиқдир. Э.Косериунийн бу фикрлари норма назариясининг ризохланиши учун катта ва янги туртки бўлди.

Шунга ўхшаш қарамаларини В.Хартунг* ҳам ёқлаб чиқади ва у норманинг баҳолашининг уч аспектини фарқлайди, яъни: 1)сўзловчининг ўз фикрини тўғри, аниқ ва лўйида қилиб ифодалай олиши; 2) тингловчининг у ёки бу даражада таъсирланиши; 3) маълум тилининг структураси ва унинг анъаналари.

* Hartung Ch. V. Doctrines of English usage. // The English journal. 1956. Vol. XLV.9. p.517-525.

Масалага бу ҳолда ёндашилганда тил воситалари нафақат функционал иланда, балки уларнинг тил системасида тутган ўрия нуқтai назаридан ҳам таҳлил қилинади. Бунга кўра “сўзловчи-тингловчи”, “система-норма” каби тушунчаларни қарама-қарши қўйишлар юзага келади. Шуниси ҳарактёрлики, тўғрилик-истўғрилик мезони сифатида жамиятнинг маълумотли доирасининг иуфузли манбаларида қайд қилинган тил амалиёти қабул қилинади.

Кам маълумотлиларнинг сўз қўллаши тилдаги саводсизлик деб тушунилади. Масаланинг мураккаблият шундаки, тилин энг яхши билувчилар, гаплашувчилар ўртасида ҳам норматив сўз қўллаш масалалари ҳақида келишмовчиллар бўлиши мумкин. Лугатлар тузини тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, жуда кўп ҳолларда энг иуфузли мутахассислар ҳам қайси бир сўз бирлигини лугатта нормал тил бирлиги сифатида киритни мумкин ёки мумкин змаслиги тўғрисида бир битимга кела олмайдилар. Айтилганлардан хулоса шуки, бундай ҳолда тилшунослар ўртасида тилда нима “тўғри-ю”, нима “истўғри” деган масала турмайди, балки норматив сўзларни танлашда ва баҳолашда ким ҳакамлик қиласи, деган масала ўргага қўйилади. Аслида эса норматив тил вариантларини танлашда ҳакам сифатида бари бир тилшунос туради. Тишунос ўзининг ўқимишлиги туфайли, тил билимдошлиги туфайли сўз қўлланишларга у ёки бу даражада объектив ёндашади. Инглиз тилшунослари ўз қарашлари пировардида майа шундай хулосаға келишади.

Шундай қилиб, америкалар ҳам инглиз тилшуюслари илмий назарий қарапашларининг қисқача таълими шуни кўрсатаяптини, улар ўтасида ҳам норма тушунчасини аниқлашда яхлит бир, узил-кесил фикр мавжуд эмас.

Тил нормаси тушунчаси ва бу ҳодисанинг моҳияти ҳақида немис тилшуюслари ҳам у ёки бу даражада ўз муносабатларини билдирган ва турлича фикрлар баён қилинган. Асримизнинг бошларида Германияда тилшуюслик соҳасида бир печа оқимлар вужудга келди. Булардан: 1) адабий-тарихий жараён назарияси тарафдорлари, 2) натуралистик оқим, 3) младограмматиклар, 4) рационалистлар оқими, 5) структуралистлар оқими “тил нормаси” назариясини ўз гоялари асосида талқин қилдилар.

А.Норейн, Я.Гrimm, К.Гофман, А.Энгелин, К.Андрезеклар “тил нормаси” бу адабий-тарихий жараён маҳсулидир, - деб таъриф килишади. Улар тилининг мавжуд қонуниятларига асосланиб, нормани фонетик, грамматик, лексик қондаларнинг йигинидеси деб қарайдилар. Мазкур олимларнинг фикрича, тилларнинг муайян ривожланиши босқичлари тилда ўтмиш, ҳозирги ва келгуси тил элементлари борлигини тақозо қиласи.

Адабий-тарихий жараён назарияси тарафдорлари тил ривожланишининг ўтмиш даврлари нормасини тўғри деб баҳолайдилар ва бу даврларни ҳар бир тилшуюс қандай хоҳласа шундай баҳолаб ўрганди.*

* Улар, масалан француз тили нормасини XIX асрдаги Вольтер ва унинг замондошлари тилидир, немис тили нормаси эса XIX аср охирида ижод қилган Лессинг, Гёте, Шиллерларнинг тилидан иборатдир деб ҳисобладилар.

Немис тилнинеслари тилдаги у ёки бу весситаларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини фақат маълум тил тарихини ўрганиш асосида исботлаш мумкин деб уқтирадилар.

Бу назариянинг бир неча афзаликларини таъкидулан ўринладидир:

- энг муҳими бу назария нормага ишбатан қизиқаш уйғонганидан, тилин нормалашга онгли равишда киришилганидан далолат беради;
- нормани онгли равишда ишилаб чиқишида ва тилинг сайдалланишида ёзувчиларнинг, грамматикларнинг роли тен олиниади;
- у ёки бу тил ҳодисасининг оғзаки тилдаги нормативлик хусусиятига эътибор берилади. Бу эса жуда муҳим ҳолдир, чунки оғзаки нутқ жараённида шаксланган ва ёзув тилнда қайд қилинган маълум тилининг адабий нормаси, ўз навбатида, оғзаки тилга таъсир қиласди.

Мазкур назариянинг бир қанча камчиликлари ҳам мавжуд, масалан:

- бу назария у ёки бу ҳодисаларнинг нормативигини бошқа бир тил ва диалектларнинг материалларини мисол қилиб олиб тасдиqlайдилар;
- нормативлик масаласини ҳал қилишида ўтган даврлар тилини бенуқсон (идеал) деб ҳисоблаб, ҳозирги замон тили нормасига таққослайдилар. Бу эса доимо тўғри бўлавермайди. Чунки, агар ўтмиш давр тилига асосланиладиган бўлса, у ҳолда қайси давр бенуқсон ҳисобланади, деган савол тутилади;
- нормани биргина фонетик қонуниятлар билан аниқлаш мумкин эмас, чунки қайси товушнинг хусусиятлари нормани аниқлашга ёрдам бериши мунозарали бўлади: ўтмиш даврдаги

фонетик қонувларми, ҳозиргисими ёки эди мумомалага кирайтганларми?

Шундай айтиши керакки, агар тил узуси бўлмаганда эди, норманинг ўзини қайд қилини мумкин бўлмаган бўлур эди. “Норма тал узусининг кодификацияси сифатида вожуудга келади”, - деб ёзади тилшунос М.М.Гумман.*

Нормага натуралистик нуқтаи назаридан ёидашувчи М.Мюллер, А.Шлейхер, К.Андрезенлар ёзиша нутқка қарагандга оғзаки нутк бирламчидир, деган фикри билдирадилар, лекин уларнинг ятоси оғзаки тил қоидалари ёзувда қайд қилинадими ёки йўқми, катын назар нормативдир, деб ҳисоблашадилар. Тил жар доим ўзгариб туриш хусусиятига эга, бу ўзгаринлар эса тилнинг ривожланишидан, тараққиётидан далолат беради, бу фикрдан келиб чицилса, тилда бир тушунчани ифодалав учун бир исла шакллар мажкуд бўлиши қонунийлиги эътироф этилади ва бу тил формаларнинг қайси биря кўн кўлланнилса, ани шуниси норма деб тани олинади. Қайсан тил элементи кўн ёки кам кўлланнилганини ҳақида шубҳа тутилгандা, нормативлик мезони статистика йўли билан исбот қелинади. Тилшунос Г.Цауль** ҳам нормативликнинг белгиси тил бирликларининг қўлланнилиши миқдори (частотаси)га бўғлиқ деб ҳисоблайди.

* Г у х м а н М.М. От языка немецкой народности к немецкому национальному языку. ч. II. М.: 1959. с.172

** Р а и 1 Н. Prinzipien der Sprachgeschichte. Halle. 1937. s.58.

Натуралистлар қарашидаги нормага нисбетан ижобий томон шундаки, улар адабий норманинг оғзаки тил нормаси билан боғлиқ эканлигини айтадилар, аммо оғзаки тил нормаси ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблайдилар. Бу фикр албаттга, оддинга кўйилган қадамдир, чунки оғзаки тилнинг ёзув тили нормасига таъсири натуралистларгача ҳеч ким томонидан ҳисобга олинмаган эди.

Уларнинг кўйидаги фикрларини мунозарали деб ҳисоблаймиз:

- агар норма статистик усул билан аниқланадиган бўлса, бир маънони берадиган икки тил элементлари сон жиҳатдан бир хил кўяланилса, унинг қайси бирини тўғри, норматив деб ҳисоблаш мумкин, тилда эса бундай ҳодисалар учраб туради;

- норманинг бундай тушунилиши тилнинг нормалашуви учун қилинган онгли ҳаракатнинг борлигии маълум даражада никор ҳилади;

- бу нуқтаи назар норманинг ўзгариб туришини эътироф этса-да, эски форманинг янгиси билан алмасиб туриш сабабларини умуман ёритмайди.

Младограмматиклар тил нормасига бошқачароқ ёндашдилар ва уларнинг назарияси рационал назария (мақсадга мувофиқ, мақбул, тўғри) деб номланди. Улар тилнинг коммуникатив вазифасини қайси бир тил формалари яхши, тўғри амалга оширса тилдаги ана шу ҳолат нормативликдир, деган холосага келадилар. Уларнинг тил нормаси ҳақида айтган умумий фикрларини кўйидагича умумлаштириш мумкин:

- алоқа (коммуникация) жараёнида қайси тил элементи нотўғри тушунилса, у нотўғридир;

- қайси тил элементи умуман тушунарли бўлмаса, у иштўриди;
- қийинчилик билан тушунилган ҳар қандай тил бирликлари иштўриди. Уларнинг фикрича, нутқ нафақат аниқ, шунингдек тезда тушуниладиган бўлиши керак;
- талаффузни қийинлаштирадиган сўз ва иборалар ёмондир;
- ёдга олинини қийин бўлган тил элементлари ёмондир;
- маънога таъсир қиласдан, қисқача ифодаланиши мумкин бўлган тил воситалари яхшидир;
- шаклан узун иборалар, сўзларни ишлатиш анча иштўриди;
- ҳеч нарсанни ифодаламайдиган тил элементлари кераксиздир;
- фикрларни аниқ ва тез ифодалаш учун хизмат қиласмайдиган лисоний ўзгаришларнинг умуман кераги йўқ.

Рационалистлар ўз назарияларига фақат амалий жиҳатдан тавсиялар бериш билан чегараландилар, лекин “норма” тушучасининг моҳияти улар томонидан очилмаган, илмий назарий кузатишлар олиб борилмаган.

Юқорида таҳлил қилинган назариялардан ташқари баъзи бир немис тилшвиослари норманинг ижобий томонларини эътироф эттаи ҳолда, унда баъзи салбий хусусиятлар ҳам мавжудлигини уқтирадилар. Масалан, Х.Мозер* тилининг нормалашуви зарур эканлигини там олгани ҳолда, норма жонли тилга зиён етказади, тилга бошқа тил бирликларининг фаол сингишига, кириб боришига тўскенилик қиласди, деб ёзади.

* Moser H. Sprache - Freiheit oder Lenkung? Duden - Beitrage.25
Mannheim, 1976.

Тил нормаси муаммоларини сенинда чет эл тилшуносларининг эришган ютуқ ва камчиликлари ҳақида қўйиндагича холосалар қилини мумкин:

1. Прага тилшунослик мактаби намояндадари (Б.Гавранек, В.Матезиус, А.Едличка, В.Барнет, Й.Вахек) тил нормаси ва кодификация тушунчаларини илмий чегаралаш борасида мухим илмий-назарий гояни илгари сурдилар, шунингдек, адабий тилининг услугбий тармоқланганлик назариясини функционал нуқтани назардан ишилаб чиқдилар. Улар адабий нормада барқарорлик ва айни нийтда ривожланувчалик (динамиклик) мезон ва белгилари мавжуд эканлигини тасдиқладилар, шунингдек, “узус”, “система”, “норма”, “кодификация” каби тушунчаларни илмий-лисоний муомалага олиб кирдилар ва бу тушунчаларни ривожлантиридилар. Уларнинг баъзилари (Б.Гавранек, Й.Вахек) оғзаки ва ёзишма нутқ нормалари ҳақида қимматли фикрлар билдиридилар. Аммо улар қўйиндаги асосий камчиликларга йўл қўйидилар:

а) уларнинг фақат адабий тил ўз нормаларига эга, ижтимоий жаргонлар, лаъжа ва шевалар эса маҳсус нормаларга эга эмас, деган фикрлари (Б.Гавранек) нотуғридир;

б) улар нормани тил системаси ва структураси билан боғламай (бу тушунчаларни илмий муомалага киритган бўлсалар ҳам) ўргандилар;

в) улар оғзаки нутқ нормасини кейинги планга ўтказиб, фақат ўз ёзувига эга бўлган тилгина “нормал” тил деб ҳисоблайдилар;

г) улар ёзув билан ёзув нормасини бир хил ҳодиса (Й.Вахек) деб тушуниадилар.

2. Тилшунос Э.Косериунинг “тил нормаси” тушучаси дақидаги илмий-назарий қаражалари талашунослик фани учун жуда катта ажамиятга эга. Унинг асосий хизматлари қуйидагилар:

а) олим “норма” тушунчасини кенг ва тор маънида изкил таърифлайди;

б) “тил нормаси” ва “кодификация” тушунчаларининг ўртасидаги чегарани аниқлайди;

в) тилда “вариантдорлик” тушунчаси системанинг оқибатидан эмас, балки норманинг ўз моҳиятидан келиб чиққалигини исботлайди;

г) унинг тилдаги қоидалардан турлича четга чиққишларни ҳам норма белгилайди, деган фикри катта ажамиятга эгади.

3. Америкалик тадқиқотчилар, шунингдек, инглиз ва немис тилшунослари норманинг назарий муаммоларига учалик даражада эътибор бермадилар ва тил нормасига функционал амалий жиҳатдан ёндашидилар. Улар норма тилнинг ўзида бўлмайди, балки талашунос мутахассислар томонидан яратилади, белгилаб берилади деб ҳисобладилар. Бу фикр, албатта, иотүғридир. Шунингдек уларнинг, норматив тилнинг асосий маъбди оғзаки нутқидир деган ҳуросалари ҳам учалик тўғри эмас. Немис тилшунослари (Г.Науль) фикрича норманинг асосий белгиси тил элементларининг нутқуда қўлланиш частотасидир.

Шу билан бирга бу тилшунослар назариясининг афзаллиги шундаки, улар : а) тилни нормалашга онгли равишда ёндашиш кераклигини уқтирадилар; б) миллий тилнинг адабий нормаси оғзаки нутқуда шакланади ва ёзув тилида мустаҳкамланади ҳамда,

ўз наебатида, оғзаки тилга таъсир қиласы, дейнешади. Бу фикр тил нормаси назарияси учун маълум аҳамиятта эгадир; в) улар нормани: “сўзловчи-тиңгловчи”, “тўғри-шотўғри”, “порчал-аинормал” каби нарадигматик қарама-қарши қўйишлар ёрдамида талқин қилингига уриндилар.

Шундай қилиб, чех, тилшунослари, америкалик тадқиқотчилар, инглиз ва немис тилшунослари ҳамда Э.Косериунинг “тил нормаси” тушунчасини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинлари, бу тушунчанинг жуда кўп белги ва мезонларини, ўзига хос хусусият ва хоссаларини аниқлашда бесқиёс катта аҳамиятта эгадир. Аммо улар норма тушунчасини аниқлашда категориал даражадаги мукаммал фикрга кела олмадилар.

2. Норма масаласининг рус тилшунослигидан урганиниш

Рус тилшунослиги тарихига назар ташланадиган бўлса, тил нормасининг илмий аниқланиши норматив грамматикалар, риторикага онд асарлар ва лугатлар яратишлардан бошлиланганлигини кузатамиз. Рус тилшунослигидан норматив грамматикасининг яратилишини М.В.Ломоносов номи билан боекликдир. Унинг "Россия грамматикаси" ва "Риторика" * жабишиларида рус тили норматив грамматикаси ва стилистикасининг ёсслари сратилди. У биринчи китобида ўша дарзда Европа тилшунослигига хукмрен бўлган "умумий грамматика" тарафдорларининг гоёларидан ва принципларидан анча оздига жетиб, ўз олдинга барчага тушунарки бўлган рус тилининг оммабен норматив грамматикасини яратилиши мақсад кўлиб кути. Унинг ўша дарз руҳига мос бўлган "норматив грамматикаси" "умумий грамматики" гоёлари билан куравомида катта роль уйнади, кейинчалик эса, М.В.Ломоносов тўплаган тил материаллари ва мазкур "грамматика" материаллари тарикий-қиссий тилшунослик соҳаси бўйича кузатинилар олиб борган олимлар томонидан амалда фойдаланилди. М.В.Ломоносовнинг бу илмий ишлари "тил нормаси" назарияси учун рус тилшунослиги тарихида илк босқич,

* Ломоносов М.В. Полное собрание сочинений. Т.7.
Труды по филологии. 1739-1758. М.-Л.: 1952.

биринчи ҳадам бўлиб ҳисобланади. Бу ҳамда С.П.Обнорский шундай ёзди: “*Тил нормаси ҳақидаги Ломоносов томонидан яратилган ғояннинг асосий негизи норма тушунчаси ривожлининининг кейинги тақдирини белгилади ва ҳосирги тилимизнинг жонни асоси бўлиб хизмат қилмоқда*”.*

Рус тилшунослигида ишқиlobдан олдин норма масалалари билан жуда кам шугууландилар. Тил нормаси ҳақидаги фикрлар А.Х.Востоков, Я.К.Грот, А.А.Потебня ва бошқаларнинг илмий ишларida у ёки бу даражада ўз аксинни тоңди, холос. Шуни таъкидлаш керакки, бу тилшунослар тил нормаси масалаларини ўзларининг махсус кузатишлари обьекти қилиб олмаган бўлсалар-да, норма ҳақидаги фикрларини тилшуносликнинг бошқа соҳаларини кузатиш жараёнида ийдма-йўлакай айтишга муваффақ бўлдилар.

Рус тилшунослигида тил нормаси тушунчасини илмий жиҳатдан аниқлаш тарихан дастлабки амалий грамматикалар ва лугатлар тузишдан бошланиб, улар тил системасини ва унинг функционал стилларини баён қилиш билан чегараланган. Бу ишлар амалий аҳамиятга эга бўлиб, аввало, тилдаги ҳар хил ўзгариб туришларин нормалаштириш масаласини ҳал қилишга багишлиланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида Россияда кўплаб лугатлар* чиқа бошлади. Бу лугатлар ва норматив грамматикалар муаллифлари ўз олдиларига тилнинг нормативлигини баён қилиш, ўша даврдаги тил жамоасига хос бўлган тил нормасини белгилаш ва тилнинг ижтимоий вазифасини кенгайтириш масалаларини қўйган эдилар.

* Обнорский С.П. Ломоносов и русский литературный язык. // Избранные работы по русскому языку. М.:1960.

Тил нормаси назариясига асримиз бошларида муносиб ҳисса кўнглан тиљшунос В.И.Чернишевдир. У “Правильность и чистота русской речи. Опыт русской стилистической грамматики” (1909,1913) китобида тил нормаси ва нутқ маданияти ҳақида жуда күп қимматли илмий фикрлар айтган. У тил нормасининг ўзгарувчалигини тиљдаги далиллар мисоллар билан исботлади, нормада вариантирлик категорияси мавжудлиги боясини яратди, у ёки бу тил Сирлийларини норматив ҳол дейини учун жуда күп манбаларга асосланиши кераклигини уқтириди. У нормадаги вариантирлик ҳақида гапириб, тиљда эски ва янги, асл ва ўзлашган, китобий (ёзма) ва оғзаки, умумхалқ ва диалектал формалар мавжудлигини ва улар ўзаро узвий боғлиқлигини асосла равишда исботлади.

* Греч А.Н. Справочное место русского слова. Спб.1839.

1843; Зеленецкий К. О русском языке Новороссийском крае. Одесса.1855; Долопичев В. Опыт словаря неправильностей в русской разговорной речи. Варшава 1909;

Огненко И.И. Словарь неправильных, трудных и сомнительных слов, синонимов и выражений в русской речи. Киев, 1915; Огненко И.И. Правильность и чистота русской речи. Воронеж, 1912 ва бошталар.

В.И. Чернышев ўз ишлари билан рус адабий тили нормалашувининг амалий ва назарий ривожланишига, рус нутг'и маданияти ҳақидаги таълимотиниг шаклланишига сезуларли даражада таъсир курсалди.

Шуни таъкидлаш керакки, аксиича, баъзи тилшуюнслар, жумладан, А.А.Шахматов, нормани тилшуюнлик доирасига кирмайдиган муаммо деб ҳисоблади. “Шахматов учун улурланған килинг нормалаш ёт нарса эди”, - деб ёзди Е.С. Истрица*.

Инқолобдан кейинги даорда күп тилшуюнслар, жумладан, А.М.Пешковский, С.П.Обнорский, Л.В.Шерба, Г.О.Винокур, Л.П.Любинский, Е.Д.Подивалов, В.В.Виноградов, Е.С.Истрица ва бошқалар ўз дикқатини тил ва нутқ маданияти масалаларига ва тил нормасининг илмий-назарий муаммоларига қаратди. Улардинг ишларидан асосан рус нутканинг түргилиги, намуниявийлиги масалалари, адабий тилининг анъанавий нормаларидаң четта өзицишлари масаласи кўрилди. Аммо норма тушучасининг асл маҳиятини улар етарди равишда очиб бера олмадилар.

Масалан, А.М.Пешковский** норма тушучаси ҳақида фикр юритиб, тил бирликларининг тилда қўлланиши чоғида, бир томондан уни холисона баён қилиш кераклигини, яъни ҳеч қандай баҳо бермасдан, факат оддий қонуғ-қондаларга солиш лозимлигини, искринчи томондан эса, тил бирликларини тартибга

* Истрица Е.С. А.А.Шахматов как редактор словаря русского языка. // Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. 1946, Т.5. с.415

** Пешковский А.М. Объективная и нормативная точка зрения на язык.// Русский язык в школе. Вып.1.М.-Пг.,1923

сөзләй, қонунаштириш кераклы, ти уақтирац. Шу билан у тилинин
илемий таърифланғаның ва тилиннег норматив таърифланғаның деган-
атамаларни илмий мұомалага киритиб, бу иккى таъриф үз
моҳияти жиҳатидан фарқлақадиган тушунчалар бўлиб, уларни
назарияда ҳам, амалиётда ҳам кескни фарқлаш лозим эканлигини
таъкидлади.

Тилшунос С.П. Обнорскийнинг* бир қатор ишлари рус
адабий тили нормасининг шаклланиши ва ривожланиши
масалаларига бағишланган. Олим тилдаги ҳар хил ўзгаришлар
ҳақида, тилда вариант бирликларининг мавжудлiği, нормадаги
қатъиятсизлик, иккiidанишлар ҳақида фикр юритган.

Рус тилшунослигинининг яна бир ёркни намояндаси
Г.О.Винокур** тил нормаси ва шукр маданияти муаммоларни
стилистика фаны билан бөглаб ўрганди. У тил нормасини
манбаларинин аниқлаш учун шуидай тил системасини топқы
керакки, бу система ўз вазифаси жиҳатидан амалий, ҳалқ
тилидан фарқ қилмайдиган, шу билан у система сифатида
аңгловиладиган бўлиши кераклигини айтади. Бундай системага
Г.О.Винокур кенг маънода адабий бўлмаган адабиётлар, яъни
газета, журнал тили, илмий асарлар тили, идоравий-расмий тил,
реклама ва эълонлар тилини киритади ҳамда ана шу лисоний
система асосида норманинг амалда қўлланиш имкониятларини
мисоллар билан тасдиқлайди.

* Обнорский С.П. Культура русского языка. М.-Л., 1948;

Правильности и неправильности современного русского
литературного языка. // Известия АН СССР Отделение лите-
ратуры и языка, Т.3. Вып. 6. 1944 ва бошқалар.

** Винокур Г.О. Культура языка. 2-изд. М.:1929

Тилишунос Л.П.Якубинский* оғзаки нуткда нормасингиң төзтез үзгариб тувишини хисобга олган жолда, милимий тил нормасининг жолисона (объектив) мезонларини матбуот тилидан ахтариш зарурлигиниң уқтиради.

Адабий тил ва унинг услублари табиати, оғзаки ва ёзма нутқининг услубий фарқлари, тил нормасининг умумий методологияси ҳақидаги дастлабки фикрлар академик Л.В.Шчербанинг бир қатор илмий ишларидан ўз ифодасини төтган. Л.В.Шчербанинг тил нормасига қўшган асосий хизматларидан бири, у биринчилардан бўлиб, нормада ўзига хос ўзгарувчалик (динамиклик) мавжудигини исбот қылди ва тил фактлари асосида ўз гоясими тасдиқлади. Бу ҳақда Л.В.Шчерба шундай ёзади: “Улуман мен тилини ҳаракатдаги ҳолатидан амглаб олгимга тиришдим: тилини тушунишнинг аниқ нуқтасида мустаҳкам, туркни нормани асосий ўринга суриш керак, кейин эса, бир томондан, ўлиб, йўқ бўлиб бораётган, иккинчи томондан, ягидан туғилаётган, пайдо бўшёйтган нормани кўрсатиш зарур”.**

Л.В.Шчерба адабий тилининг намуниавий нормаси, унинг маибалари ҳақида ҳам фикрлар юриттган. Унинг фикрича, тил нормасини аниқлашда намуниавий матнларга энг яхши, етук адилларининг асарларига мурожаат қилиш лозимлигини таъкидлаб, шундай ёзади: “*Тилишунослар у ёки бу тил нормасини белгилашда “тил дидити” юқори даражада эгаллаган яхши ёзувчиларниңг асарларига мурожсаат қилиб жуда тўғри иш қиласидилар.*”***

* Я к у б и н с к и й Л. Очерки по языку. М.: 1932

** Щ е р б а Л.В. Восточнолужицкое наречие. т.1 Пг.1915.

*** Щ е р б а Л.В. О трояком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкоznании // Изв. АН СССР. Отделение литературы и языка. 1931. 1. с.113.

— 4 —

Тил нормаси ва нормативлик месонлари ва хусусиятларини социолингвистик асосда талқин қелиши Е.С.Истринанинг* илмий ишларидаги ўз ифодасини тошиди. Унинг фикрича, норма маибилиарининг мұътабарлығы шароитида тил бирликларининг күләлләнилиш даражасига қараб белгиланади.

Рус адабий тили нормасининг шаклланишини ва ривожланишига тәниси тәлшүнос С.И.Ожегов баракали хисса қўшиди. У “Нутқ маданиятиның наебатдаги вазифалары”** номли мақоласида норма тушунчасини таърифлади, унинг динамик характеристикинін атрофлича изоҳлади ва нутқ маданияти соҳасидаги булажак илмий-вазарий за амалий изланишларининг вазифалариниң белгилаб берди. Шунингдек, терминологияни тартибга солиш, нутқ маданияти бўйича амалий қўлламалар, лугатлар, маълумотномалар яратиш борасида кўйлаб ишлар кандай. У рус тили институтидаги “нутқ маданияти” бўламишини асосчини эди. С.И.Ожегов “Нутқ маданияти масалалари” (1-3 чиқиши. М., 1955-1967) тўпламини ташкил қандай. Бу тўпламларда нутқ маданияти ва тил нормасининг нафақат соф амалий масалалари, шунингдек, умумиазарий ва илмий томонлари ҳам атрофлича ёритилади.

50-йилларгача нутқ маданияти ва тил нормаси муаммоларига бағишлиланган илмий ишлар асосан нутқ маданиятининг назариясини ва унинг “тўрлилги” ва “нормативлиги” жиҳатларини ишлаб

* И стр и на Е.С. Нормы русского литературного языка и культура речи. М-Л. 1948, с.19.

** О ж е г о в С.И. Очередные вопросы культуры речи.

// Вопросы культуры речи. Вып.1.М.:1955.с.5-33.

чиқиши билан чегаралашган. Кейинчалик эса, С.И.Ожегов, Ф.П.Филин, Б.Н.Головин, В.Г.Костомаров, Л.И.Скворцовларниң ишларида то үша давргача түпләнгән амалий тажрибалар умумлаштирилди, тил нормаси ва нутқ мәданияттегиң делзарб назарий муаммолари күп тартыбига күйилди ва бу муаммоларның ечишининг қулай ва иуфусли йўлларици тошлишга ҳаракат қилинди.

70-80-йилларга келиб, бир қанча илмий-назарий характерга эга бўлган қўлланмалар, рисолалар, илмий мақолалар юзага келди. Бу илмий ишларда адабий норманинг тузилиши, можияти, унинг янги даврда ривожлайиш тенденциялари лисенниң вариандорлик муаммосининг таҳлили, адабий нормадаи чистта чиқишиларниң сабаблари ва унинг кўринишлари, норманинг кодификацияси ва шунга ўхшаш бир қатор масалалар таҳлил қилинди ҳамда у ёки бу даражада ҳал этилди.*

* Актуальные проблемы культуры речи. М.:Наука.1970;
Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма. Л.1978; Скворцов Л.И. Теоретические основы культуры речи. М.:1980; Градина Л.К. Вопросы нормализации русского языка. Грамматика и варианты. М.:1980; Ицкович В.А. Очерки синтаксической нормы. М.:1982; Головин Б.Н Основы культуры речи. 2-изд. М.:1988 ва бошқалар.

Кейинги йилларда тарз бет ва гашвиётчи зарга мұлжалламған бир неча рисола ва китоблар,* ипотиқик салын тарихи ва назарияси масалалари күтарилиған инилар,** шугъ одеби муаммолари баён қылнған бир неча китоблар*** юзага келди.

Кейинги пайтларда тил нормаси муаммоларини, жумладан, адабий тил нормасини турлы хил нұктан назардан туриб күзатмоқдалар ва лиссий таҳлил қылмоқдалар. Тил нормасининг машина шу тарзда үрганилишини қуйидаги йұналишларга ажратиш мүмкін:

1. Нормани тилинің систем-структур имконостаринің үрганилиши биләп бөглиқ холда (В.Ф.Ицкович, Ф.П.Филип, Н.Н.Семенюк, Л.П.Крысин ва бошқалар) таҳлил қилиши;

*Адамов Е.А. О культуре речи пропагандиста. М.:1970;
Белостоцкая Н.Г. Культура публичного выступления. Учеб.пос. М.:1977; Кохтев Н.Н., Розенталь Д.Э. Искусство публичного выступления. М.:1988; Михневич А.Е. Ораторское искусство лектора. М.:1976; Одинцов В.В. Структура публичной речи. М.:1976; Чихачев В.П. Речиное мастерство пропагандиста. М.: 1987 ва бошқалар.

** Аиресян Г.З. Ораторское искусство . М.:1972; Ножин А.Е. Основы советского ораторского искусства. М:1973; 2-изд. 1981; Скворцов Л.И. Об ораторском искусстве С.М.Кирова. // Русская речь. 1980,4 ва бошқалар.

***Трофименко В.П. Формулы речевого этикета в разговорной речи. АКД. Ростов на Дону. 1973;

Формановская Н.И. Русский речевой этикет: лингвистический и методический аспекты. М.:1982, 2-изд.1987 ва бошқалар.

2. Нормани адабий тил ижтимоий вазифасининг кенгайшни ва унинг функционал ранг-бараанглигининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда (К.А.Долинин, Э.Г.Ризель, К.С.Гербачевич ва бошқалар) ўрганиш;

3. Нормали адабий тилнинг баъзи социологик жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда (М.М.Гужман, Н.Н.Семеник, А.А.Леонтьев, А.А.Касаткин ва бошқалар) кузатиш;

4. Нормани нутқ маддияти масалалари билан боғлиқ ҳолда (В.В.Виноградов, Л.Е.Щерба, Б.Н.Головин, Г.О.Винокур, В.Г.Костомаров, Л.И.Скворцов ва бошқалар) ўрганиш;

5. Нормани тилининг руҳий (психологик) ва алоқавий (коммуникатив) жиҳатлари билан бетаган ҳолда (В.Г.Костомаров, А.А.Леонтьев, Б.Н.Головин ва бошқалар) заҳира қилиш ва бошқалар.

Бундан ташқари, ҳозирда тил нормасининг жуда кўп алоқида ва муайян жиҳатлари билан ҳам шуғулланилмоқда. Масалан, К.С.Гербачевич лексик норма масаласини ва ундаги вариантдорлик мезонини, В.А.Ицкович норманинг синтактик жиҳатини, Л.К.Граудина умумграмматик ва вариантдорлик томонини, Р.Р.Касиранский фоно-стилистик ҳусусиятини, Е.Э.Анисимова норманинг стилистик хоссасини, Л.П.Ступин лексикографияда норма масаласини ўз илмий ишларининг асоси қилиб олдилар. Проф.Л.И.Скворцовнинг диққат марказида эса, норманинг динамик характеристи турди ва у шу масалани тўлақонли назария билан бойитди:

Рус тилшүрсөн тәжкіті нормалы тадқиқ шетінде барып, көзөг ішіларға хес хусусияттар яна шундан иборатки, норма масалалары нафакат рус тили материалы асосида, балки чет тиллар шуннингдек бир қатар құшып миляй тилларнинг материаллары асосида ҳам кузатылған. Масалан, Л.П.Ступин, А.С.Линский, Ю.М.Скребнев, В.В.Постникова инглиз тили, М.М.Гухман, Н.Н.Семенюк, Э.Г.Ризель, Р.Р.Каспраинский немис тили, Н.А.Катағошчина, В.Г.Гак, К.А.Долинин француз тили, Г.В.Степанов, Н.Д.Арутюнова испан тили, А.А.Касаткин, С.Б.Эстулина итальян тили, А.П.Коваль, Г.П.Ижакевич, М.М.Пилинский украин тили, И.Я.Лепешев, И.К.Германович белорус тили, Н.Г.Корлэтику, В.В.Ваксман молдаван тили, Э.Ю.Нурм, Х.Рятсен эстон тили, А.Я.Блиничкина, К.Гаусенблас латиш тили ва бошқа қардомы тиллар материалыда тил нормасын да нутқ мәданиети мұаммолари ҳақида илмий кузатыллар олиб боришилған за бормоқдаштар.

Чет әл тильтүшүсслари, шуннингдек рус тильтүшүсслигыда лисоний норма бүйіча олиб боришилған тадқиқоттар, улардаги илмий хуносалар түркій халқтар тилларидеги, жумладаң үзбек тиlidеги адабий норма хусусиятларини ўрганишиға назарий тәжіч бўлиб хизмат қылди. Бу ҳол 1960 йиллардан кейинги даврда түркій тильтүшүсликда юзага келған адабий норма, нутқ мәданиети, услубиятта сид тадқиқотларда ёрқин кўришади.

3. Туркий тишлиносликда лисоний норма муаммоларининг ўрганилиши

Маълумки, у ёки бу халқнинг адабий тили, ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида бир хил, бир текис ва бир даражада ривожланмайди. Ички ва ташқи омиллар туфайли тиллар лексик таркибида, товуш тизимида, грамматик тузилишида бир қанча ўзгаришлар кузатилади, бу эса адабий тиллар ривожланиш тарихининг маълум даврларини ташкил қиласди. Ҳозирги даврга келиб туркий халқларининг тилларя кенг тармоқли илмий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётта эга бўлган адабий тиллари тарихи, уларнинг адабий нормалари ва функционал стилистикасининг ривожланиши ҳақида бир қатор илмий-назарий ва амалий ишлар юзага келди. Туркийшиносликниң ҳозирги ҳолати туркий халқларининг адабий тилларига боғлиқ бўлган ҳамма масалаларга баҳо бериниң тақозо қиласди.

Туркий тиллар адабий нормаси ва шундай маданиятига илмий баҳо берини жуда қийин масала. Унинг бир неча сабаблари бор:

Биринчидан, ҳозирги давр туркий тиллари бир текисда ривожланмади ва ривожланмаяпти, бу эса: а) инқиlobгача бу тиллар қай даражада ривожланиб келганини билан, б) ҳозирги шароитда бу тиллар бажаришлари керак бўлган ижтимоий вазифаларининг ҳажми билан, в) ҳар бир тилининг лаҳжавий асосининг, фонетик, лугавий ва грамматик нормаларининг қай даражада барқарорлашуви билан боғлиқдир.

Иккинчилан, туркий адабий тилларниң шаклланиш жарәенида махсус атамалар яратында, бошқа тиллардан сүз үзлаштиришида, ҳар бир тилинг ўз ички имкониятларидаи фойдаланиши борасида турлича йұл тутдилар ва бу масалага илмий жиһатдан турлича ёндандылар.

Учинчидан, ҳар бир туркий адабий тил ўзига хос шеваларига, шунингдек шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларига эга.

Төртінчидан, ҳар бир туркий тилинг орфографик, орфоэник, лексик, фразеологик, стилистик, грамматик ва бошқа хил нормалари илмий-амалий жиһатдан ҳар хил даражада ишланған.

Бешинчидан, бу тилларда турли хилдаги орфографик, терминологиялық, икки тилдик, изохли лугатларниң чөп этилиш сони, ҳажми ва даражасы ҳар хил, норматив грамматикалар, күтк маданияти соҳаси бүйича амалий-назарий құлланималар ва уларда құттарылған масалалар бәзги бир тилларда айна кең күламда, батағсын бағын қилинған, баъзиларида эса у даражада эмас, ҳатто баъзи тилларда умуман бу масалаларга әзтибор берилмаган.

Ҳар бир адабий тил товуш таркибининг нормалашув даражасы, уннан алғибеси, орфографик ва орфоэник нормаларниң амалий жиһатдан пухта ишланғанынға бейнелік. Бу ерде шунан залатиб ўтиш керакки, инцилобдан сүнг то 30-йилларгача туркий тилларниң аксарияти араб алифбосидан фойдаланып келдилар. Кейинчалик бу алифбо ҳар бир туркий тилинг талаффуз ва ёзуы нормаларига биноан ислоҳ қилинди. Ислоҳ қилинған араб алифбоси ҳам тилен әгаллашда бир қанча кийинчиликтер туғедириди. Шу сабабынан 1930-1940 йиллар мобайнида күпчилик туркий тиллар лотин алифбосынан ўтишга

мажбур бўлдилар. Ва ниҳоит 1940 йилдан бошлаб бу тиллар рус графикасидан фойдаланиб келишди.

Табиийки, туркӣ тиллар алифбосининг буидай тез-тез ўзгариб туриши, уларнинг имло ва талафғуз нормаларининг ҳам ўзгариб туришинга сабаб бўлди. Ҳозирги ўзбек ёзувининг лотин ёзуви асосидаги янги алифбога ўтказилиши мустақиллик даврининг эҳтиёж ва талаблари тақозосидир. Буидай ўзгаришлар туркӣ тиллар ўзларининг нормалашган адабий тилларига эга бўлгунга қадар жуда мураккаб йўлини босиб ўтганилигидан далолат беради.

Ҳар бир адабий тилнинг нормалашувида, албатта имло лугатларининг рөли каттадир. Рус графикаси негизидаги кирил ёзувидан фойдаланиш бошлангандан сўнг бир қаича туркӣ тилларининг, масалан, қозоқ, озарбайжон, қирғиз, туркман, қорақалпок, чуваш, ёқут, тыва, қўмиқ тилларининг имло лугатлари чоп этилди. Туркӣ адабий тиллар имлосининг тарихий такомиллашуви, шаклланиши ҳақида, имловий хатоларни тузатиш йўллари, ундаги баъзи қийин ҳолатлар, киши номлари ёзилиши, қўшма сўзлар, қисқартма сўзлар, ўзлашма сўзлар имлоси ҳақида жуда кўплаб илмий-назарий ва амалий фикрлар айтилди. Бу фикрлар эса умуман туркӣ адабий тиллари, хусусан имло нормаларининг шаклланиши ва ривожланишида, шубҳасиз, жуда катта аҳамият касб этди.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпчилик туркӣ тилларда ҳанузгача адабий талафғуз нормалари қатъий қонун-қондага солингани йўқ. Баъзи тилларда талафғузининг шева элементлари сақланиб қолмоқда, баъзиларида эса талафғуз қондалари тўла жорий қилинмаган. Шунга қарамасдан туркӣ шунос олимлар

тилафғуз нормалари назарияси ва амалийтига бағытталған борчече илмий ишлар яратдилар.

Кейинги даврларда түркйшүносликда тил нормасининг умумназарий ва алоҳида жоҳатларини ўрганиш масаласи долзарб булиб қолмоқда. Шундай долзарб масалалардан бири лексик норма масаласидир. Уни ўрганиш чоғида тильтүннислар лексик норманинг шаклланиши жараёнинг, миллдий адабий тилдинг илк ривожланиши даврларига, сўз қўллаш нормаларига эътибор бермөқдалар.

Аммо шунц афсус билан таъкидлаш керакки, түркйшүносликда лексик норманинг умумназарий масалалари, унинг оғзаки ва ёзма нутқдаги табиати, функционал-услубий тизимдаги роли, сўзларининг вариандорлиги масалалари, лексик норманинг мезонлари ва асосий белгилари унинг лексикографияда тутган ўрин ҳақида илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар ниҳоятда кам.

Махсус атамаларининг нормаларига ҳам жуда кам эътибор берилмоқда. Терминологик тизими нормалаш назарий муаммолари, бу соҳада қилиниши лозим бўлган илмий принциплар ишлаб чиқалган эмас.

Түркй тиллар тильтүннислигига грамматик норма масалаларига нисбатан дуруст ёндашилганилигини кузатамиз. Бу ишларда келинчиқ категориясининг нормалашуви, кўмакчилар нормалашуви жараёни, матбуот тилининг морфологик нормалари, шунингдек, адабий тил грамматик қурилишининг нормалашуви

масалалари ёритилган.* Аммо ҳанузгача жуда кўп туркӣ тилиларнинг грамматик нормалари жуда кам ўрганилган ва кам ишланган ҳодиса ҳисобланади.

Кузатишлар шуни кўрсатаянтики, тил нормасининг алоҳида жиҳатлари туркӣ тилшуносликда нутқ маданийти масалаларя билан бөглиқ ҳолда ўрганилмоқда. Шу давргача яратилган ишларда сўз кўллаш нормалари ва улардаги четта чиқишилар, орфографик, талаффуз, грамматик нормаларнинг нутқ маданийтига

* А л и з а д е С.Г. Морфологические нормативы азербайджанского языка ХVI века. // Структура и история тюркских языков. Баку, 1983. с.58-68; А и и а м у р о в А. Аналитические глагольные формы и литературная норма. //Некоторые вопросы культуры туркменской речи. Ашхабад, 1977. с.10-12 (на туркм.яз.); М и р и е в А.Ф. Грамматические нормы в языке азербайджанской печати (70-е годы). АКД, Баку, 1980;

Т а ч м у р а д о в Т. Нормализация грамматического строя туркменского литературного языка в советскую эпоху. Ашхабад, 1972 (на туркм.яз.); Т а ч м у р а д о в Т.

Г е л ь д ы м у р а д о в А. Морфологическое варьирование и литературная норма.// Вопросы советской тюркологии. ч.1. Ашхабад, 1988; Х а л и л о в Ш.Х. Историческое развитие и нормализация категории падежа в средневековом азербайджанском литературном языке.// Советская тюркология. Баку, 1987, 2. в а 6.

алоқадорлиги масалалари ва бу нормалардаги жузъий нұксоллар ва жатолар, уларни бартараф қилиш йүллари, сөз күллаши салынати, шұтқ әдеби ҳақидаги фикрлар төртінген, шунингдек шамашавий юсек шұтқ мәданиятига әришиңда еткү адібларнинг ролі күрсатылған.

Шуни маминаият билан қайід қилини керакки, кейинги үй үйлескелерде түркшүносликта тил нормасының назарий мұаммоларини ұал этишгә қаратылған бир исече илмий мақолалар, рисолалар, үкүв күлланымалари яратылды, пәннәздерик ва докторлық диссертациялари ҳимоя қилинди. Ана шу индердиннің баъзиларига тұхталиб ұтамиз.

Бир гурұқ тилемненеслерининг қозоқ адабий тили нормалар ҳақида өзгән мақоласыда* қозоқ адабий тили ва уннег нормаларининг шаклланышина әсерде қозоқ шұтқи мәданиятиның тәжірибелеліктерінде анықталған. Шунингдек, қозоқ адабий тили грамматикаси, лексикаси, имло ва талаффузининг нормалашывы тұғрисида ҳам тағы да боради ва бу фикрлар жонын тиңдан олинған дағылый миссиялар билан мустаҳкамланған. Пирордидан, муалдифлар тил нормаларининг шаклланышы қозоқ тили

* Кенесбаев С.К., Исқаков А.И., Мусабаев Г.Г. и Сыздыкова Р.Г. О нормах казахского литературного языка.//Вопросы развития литературных языков народов СССР в советскую эпоху. Алма-Ата, 1964. с.171-186.

жектизмий базаси на юхтимой визифаларининг сенгабынни, қозоқ халқи умумий маданийтигининг ўсими, ҳар хил жанр ва услубда ёзилган китобларинчиг кўилаб нашор қилинши билан боғлиқдигини эътироф этадилар.

Қозоқ адабий тили ва унинг нормалари масалалари М.Б.Балақаевнинг китобида* батафсил ва чукур ёритилган. Унда қозоқ адабий тилининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ва унинг нормаларининг ҳар хил типлари кўрсатилган.

Тил нормаси ва вариантдорлик ҳодисаси ўргасидаги муштараклик ва мутаносиблик масалаларининг қозоқ тили материалидаги илмий-назарий таҳлилини А.Г.Абуханованинг мақоласида** кузатамиз.

М.Б.Бегларов*** норма тушунчаси ҳақида озарбайжон тили материалыда бир қанча фикрлар билдириди. У, жумладан, норма ва унинг кодификацияси, норманинг асосий белгилари ва мезонлари, халқчиллиги тўғрисида ёzáди.

Озарбайжон матбуот тилининг грамматик нормаларини А.Ф.Мириев ўз номзодлик диссертациясида**** батафсил ёритган.

* Балакаев М.Б. Казахский литературный язык и его нормы. Алма-ата: Ҷылым, 1984. с182.

** Абуханова А.Г. Еще раз о норме и вариантиности.// Қазақ тілінің мәселелері. Алматы, 1980.с.144-152.

*** Бегляров М.Б. О понятии нормы. // Известия АН АзССР Сер.лит.,яз. и искусства.Баку, 1973. 4.с.60-66. (на азерб.яз.)

**** Мириев А.Ф. Грамматические нормы в языке азербайджанской печати. (70-годы). АКД. Баку,1980.

Бу монографик ишда муаллиф тилшүносликда норма түшүнчесиңін азабий тил нормасын, норма ва кодификация, норма ва вариантыдерлик, азабий тилинің умумий нормалари ва функционал-услубий нормлари, азабий тил нормасынан вариантыларни анықлашыдаги асосий принциптер жөндеуден көзделеңдіктер. Анықлашынан көзделеңдіктер көрсеткіштегінде нормалардың мәндерін салынады.

Шуныңдек, бұз диссертацияда матбуот тилида морфологик нормалар масаласи ва вақтли матбуот тили услубининг синтактика хусусиятлари нүтқ маданийти ва нормативлик нұктан изазардан күзатылади. Иш сұнгыда бир қаңча илмий-иззарий худосалар қилинган ва амалий тасвиялар берилған.

Озарбайжон тили материалы ассоцида адабий норма ва умумхалқ оғзаки тили,* ҳозирги замон проза тилида норма ва вариандорлик,** норма ва ундағы қарама-қаршылар,***

* Халилов Ш.Х., Мамедов Н.Х. Общенародный разговорный язык и литературная норма.//Советская тюркология.Баку,1988. 6. с.51-58.

** Алиев А. Норма и варианты в языке современной прозы.

//Изв.АН АзССР. сер. лит., яз. и искусства. Баку, 1985, 1.с.99-102.

*** Юсифов М.И. Норма и противоречия в законе гармонии.

//Изв. АН АзССР. сер. лит., яз. и искусства. Баку, 1984, 3, с. 61-64.

озарбайжон шутқи маданиятининг асосий масалалари* каби муаммолар озарбайжон тилшунослари томонидан тадқиқ қилиниди.

Туркман тили адабий нормалари ва шутқи маданиятининг назарий масалалари П.А.Азимов,** Т.Тачмурадов*** ва Ж.Тачмурадоваларининг**** илмий ишларида ўз аксини тоғди. Бу соҳада, айниқса Т.Тачмурадовининг хизматлари дикқатга сазовордир. У туркман адабий тили нормасини комплекс равишда кузатди ва ўз илмий ишларида туркман тилининг яиги даврдаги орфографик, орфоэпик, лексик, грамматик нормаларини илмий таҳлил қилди. Бу ишларининг маҳсули сифатида унинг докторлик диссертацияси***** юзага келди. Бундан ташқари, туркман шутқи маданияти масалалари илмий тўпламигининг бир неча нашрларида туркман адабий тили нормалари тизимининг ҳар тарафлама тадқиқ қилинганингини кўрамиз.

* М а м е д о в М.Б. Основные вопросы культуры азербайджанской речи.// Тюркское языкознание. Материалы III-Всесоюзной тюркологической конференции. Ташкент, 1985. с.234-237.

**А з и м о в П.А. Туркмен адеби диалинин нормалари хақицида.//Изв.АН ТүркмССР. Сер. обществ.наук. Ашхабад.1965.3.

с.69-77

*** Т а ч м ы р а д о в Т. Туркмен адеби диалинин грамматик турлушкини совет доврунде нормаланыши. Ашгабат.1972. Туркмен адеби диалинин лексикасыни . . совет доврунде нормаланыши.Ашгабат,1974. Туркмен адеби диалинин орфоэпияси. Ашгабат,1977.

**** Т а ч м у р а д о в а Дж. К вопросу о норме и нормативности (Обзор работ отечественных лингвистов).// Изв. АН ТуркмССР Сер. обществ.наук. Ашхабад,1988,1.с.74-79.

*****Т а ч м у р а д о в Т. Развитие и нормализация туркменского литературного языка в советскую эпоху. А/Д. Ашхабад, 1974. с.94.

Чуваш тили нормасининг назарий масалалари И.П.Петров* томонидан тадқиқ қилинди. Унинг бир қатор илмий мақолалари, ўкув қўллаимаси, рисола ва докторлик диссертациясида совет даврида чуваш адабий тилининг ривожланиши ва нормалашуви масалалари кузатиш объектив бўлиб хизмат қилди. У ўз ишларида адабий тил нормаси, нормалашуви ва кодификация тушунчаларини атрофлича илмий мунозара тарзда таҳдил қилди, инқилобдан сўнгги чуваш адабий тили ва унинг нормасининг ривожланиши жараёнини кузатди, лугавий норма кодификациясини чуваш тилига тадбиқ қилиб ишлаб чиқди.

Татар адабий тили нормасининг тарихий шаклларини ва ривожланиши масалалари В.Х.Ҳақовнииг ишларида** ўз аксии топган.

* Петров И.П. Чувашский язык в советскую эпоху. Развитие социальных функций и литературных норм. Чебоксары, 1980. 207с;

Некоторые проблемы нормализации и кодификации чувашского литературного языка. // Тюркское языкознание. Материалы III Всесоюзной тюркологической конференции. Ташкент, 1985, с.230-234; Нормализация чувашского литературного языка. Учеб.пособие. Чебоксары, 1988; Функциональное развитие и нормализация чувашского литературного языка в советскую эпоху. АДД. Баку, 1982, 38с.

** Ҳаков В.Х. Некоторые вопросы развития и нормализации татарского литературного языка. // Вопросы тюркологии. Казань, 1970, с.166-175; Функционально-стилистические обособления и развития норм татарского литературного языка ХУ-ХҮI вв.

// Формирование татарского литературного языка. Казань, 1989, с.13-23.

А.А.Мұхамедов^{*} аса ғылыми китаптардағы мәдений тәжірибелеге жөнде нормасынан дақылданған масалаларига бағыншлаган.

Екүт тили нормалашувиининг бәзги масалалары Л.Н.Харитонов, Е.И.Убрайтова, Н.Д.Дьячковский, Н.Е.Петров ва П.А.Слепцовларининг илмий ишларда тадқиқ қилингандар.

Биз юқорида түрккің тишишуюесликда кейинги йилларда юзага келған ва лисоний норма муаммоларига бағыншлаган ишларга түхтадык. Бу ишлар ва бу ерда таҳлил қылаш имконияти бўлмаган бошқа бир қатор ишларда лисоний норма муаммосининг кўнгина долзарб масалалари бой материаллар асосида ўрганилган. Мана шу ишлардаги норма назарияси, нутқ маданияти ва услугубиятта онд яғни ва диққатта молик фикрларим чукур ўрганиши ҳамда улардан ўзбек адабий тили нормалари тизимиши таҳлил қилишида, бу соҳанинг амалий масалаларини емишда унумли фойдаланиш ўзбек тишишуюеслари олдида турган мухим вазифадир.

* Юлдашев А.А. Вопросы и формирования единых норм башкирского национального языка.// Вопросы и формирования и развития национальных языков. Т.10, М.: 1960, с.274-294. 4. 4. 4.

4. Лисоний норма муаммоларининг ўзбек тилшунослигига ўрганилиши

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигига шутқ маданияти ва тил нормаси масалалари, шутқ маданияти соҳасининг предмети, мақсади ва қазифалари, мезон ва белгилари илмий-иззарий анижумалларда^{*} муҳокама қилинмоқда, тегиншили илмий тўпламлар,^{**} рисолалар ва мақолаларда^{***} атрефлича ёритилмоқда.

* Ўзбек тилшунослиги масалаларига багишланган анижуман. Тошкент, 1952. (14-18 май); Ўзбек нутқи маданиятига багишланган республикане Й-илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 1969; Ўзбек нутқи маданиятигининг долзарб муаммоларига багишланган республикане П-илмий-амалий анижуманни. Термиз, 1990;

Ўзбек нутқи маданиятигининг долзарб муаммоларига Багишланган республикане Ш-илмий-амалий конференцияси. Термиз, 1993.

** Ўзбек тили шутқ маданиятига онд масалалар. // Ўзбек нутқи маданиятига багишланган 1 - республикане тилшунеслик конференцияси материаллари. Тошкент, 1973; Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари (шумий мақолалар тўплами). Самарқанд: СамДУ изари, 1976, 1978, 1979, 1980, 1982, 1987; Лекенка, стилистика ва нутқ маданияти масалалари. Тошкент: Низомийномидаги ТДПИ изари, 1980; Ҳозирги ўзбек адабий тили нормаларининг такомили масалалари. Тошкент: Низомийномидаги ТДПИ изари, 1987; Ўзбек нутқи маданиятигининг долзарб муаммолари. Жумхурият илмий-амалий тикумани маърузаларининг қисёдача баёни. Тошкент, 1990.

*** Гуломов. А. Фонетик вариантлар ва адабий нормалар. // Ўзбек тили морфем лугати. Тошкент, 1977. 365-382 бетлар. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва шутқ маданияти. Тошкент, 1983; Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умаркулов Б. Ўзбек шутқи маданияти очерклари. Тошкент, 1989. Кўнгурев Р.К., Каримов С.А., Курбенов Т.И. Нутқ маданияти асослари (Лекциялар тексти). 1-қисм. Самарқанд, 1985; II-қисм. Самарқанд, 1986; III-қисм. Самарқанд, 1987; Тошалиев И. Стилистик норма муаммолари (биринчи мақола) // Стилистик норма ва унинг асосий хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиётси, 1989, 5-сон; Тошалиев И. (иккинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиётси, 1990, 2-сон ва бошқалар.

Из у ҳозини эътироф этиш керакки, ҳозирги замон ўзбек адабий сални ривожланган грамматик шакллар ва гоят бой жутат таркиби билан характерланади.

Нутқ маданийти масалалари ўзбек адабий тилнинг лисоний нормаси билан узвий боғлиқдир. Ҳар қандай адабий тилнинг нормалашуви ва нутқ маданийтининг юксалиши тилнинг стихияли ривожи жараёнига жамият аъзоларининг онгли равишда аралашуви маҳсулли эканлигини тилшунослик тадқиқотлари кўрсатиб берди.

Ўзбек адабий тилнинг нормалашин жараёни ҳам ва ўзбек нутқи маданийтининг савиаси ҳам ўзбек тили ривожининг янги даврида бир хил кечмади. Яна шунин қайд қилиш керакки, ўзбек адабий тили ва уннинг норматив воситаларини ўзлаштириш даражаси аҳоливининг ҳамма қатламларнда ҳам бир хил даражада эмас, лекин адабий тилнинг ўзбек лаҳжа ва шеваларига таъсири сезиларни даражада бўлди, шу бонсдан ҳам умумхалқ тилида шевачиллик хусусияти камайиб бормоқда. Бу ҳол эса ўзбек адабий тили бутун ўзбек ҳалқининг мулки эканлигидан далолат беради.

Маълумки, нутқ маданийти масалалари адабий тилнинг лексик, фразеологик, семантик, стилистик, имло, талаффуз ва бошқа нормалари билан узвий боғлиқдир. Бу нормалариниг шаклланиши ва назарий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилининиши тилшунос олимларининг олдидағи далзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослари томонидан яратилган дарсликлар, ўкув қўлланималари, ҳар хил тинидаги филологик лугатларнинг тузилиши, ўзбек тили фонетикаси, лугат таркиби ва грамматик қурилниши каби мессалаларининг изчил тадқиқ қилинини анча кенг тарқалган тил фактларини норма сифатида тавсия қилиниш имконини берди.

Айниқса, ўзбек нутқи маданияти ва адабий тили нормаларининг долзарб назарий-амалий масалаларини, жумладан, ўзбек алифбоси, имлоси, талаффузи, лугавий, услубий, фразеологик, грамматик нормаларин тадқиқ қилиш борасида ЎР ФА Тилшунослик институтига 1966 йилдан бошлаб нутқ маданияти соҳасига алоҳида Эътибор берилга бошлагани маълум аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек тилшунослари 1960 йиллардан кейинги даврда ўзбек алфавити, имлоси, пунктуацияси, ўзбек адабий талаффузи нормаларига бағишланган бир қатор ишларни эълон қилинди. Булар орасида имло ва талаффуз лугатлари ҳам бор.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, “Тил нормаси” ва “Нутқ маданияти” сарлавҳаси тагида ёзилган бир қатор ишларда тилшуносликининг бошқа содалари ўрганадиган масалалар ёритмоқда: Натижада тил нормаси ва нутқ маданиятининг аниқ масалалари, жумладан, норманинг обьекти, мезон ва белгилари, шартлари ва категориялари, лисоний ва полисоний томонлари, нормадан четга чиқиншларининг ҳар хил сабаблари, унинг типлари масалалари эса Эътибордан четда қолиб кетмокда.

Нормадан четга чиқиншларининг сабаблари ва типларини аниқлаши тилшунослар олдида мухим вазифа ҳисобланади. Бу ўринда F.A.Абдураҳмоновининг мана бу мулоҳазаси диққатга сазавордир: “*Тилшунослар олдида турган мухим вазифа нормадан ташқари, хото деб тушунадиган тил фактларини коллекция қилиш эмас, балки уларни системалаштириш, сабабини аниқлаш,*

тилда қўйланпайсан, аммо нормаларни замаган ҳодисаларни адабий тили нормаларига зид бўлган апориал ҳодисалардан фарқлаш боришдан иборат".*

Мана шу маънода ўзбек нутқи маданияти ва ўзбек тили нормаси ҳақида профессор С.Иброҳимов эълон қилган бир қатор тадқиқотлар диккатга сазовордир. У қайд қилинган мавзуларда учта рисола ** яратди. Бу китобларда ўзбек нутқи маданияти ва ўзбек адабий тили нормаларининг назарий ва амалий муаммолари ҳақида, адабий тил имлоси ва талаффузининг прогрессия томонлари ва мавжуд шундеклари тўғрисида, нутқ маданияти ва тил нормаси тушунчасига оид муаммолар, тил ва унинг қадрқиймати, тил ва тафаккур муносабати, тилнинг ижтимоний можияти тўғрисида қизиқарли илмий фикрлар юритади. С.Иброҳимов мазкур рисолаларда адабий тилининг лексик, морфологик, усулубий ва талаффуз нормалари каби долзарб масалаларни баҳс, мухокама доирасига олиб киради, мухоммилмий-назарий фикрлар билдиради.

* Абдураҳмонов F.А. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари. // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент, 1973. 53 бет.

** Иброҳимов С. Нутқ маданиги ва адабий талаффуз ҳақида. Тошкент: "ФАН", 1972. 54 бет; Ўзбек имлосидаги баъзи қийини ҳолатлар. Тошкент: "ФАН", 1970, 77 бет; Тилга эътибор-элга эътибор. Тошкент: "Ўзбекистон", 1972. 40 бет.

Ўзбек адабий тили нормаси ва шутқ маданиятиниң умумизарий масалалари С.Иброҳимов, Э.Бегматов, Р.Кўнгуревларининг мақолаларида, лексик норма масалалари Ш.Шафбураҳмонов, А.Еуломов, О.Усмонов мақолаларида, услубий норма Ф.Абдураҳмонов, И.Кўчқортов, Б.Ўриибоев, М.Мукаррамов, Р.Кўнгурев, И.Тошилиев, Е.Умуркуловларининг кузатнишлирида, шутқ маданиятида лугатларининг ўрни ва рөоля С.Акобиров, Т.Аликулов, Э.Фазиловларининг ишларида, ташни белтиларини ишлатиш нормалари Х.Розиев, К.Назаровлар ишларида, алифбо, имле ва талаффуз нормалари С.Иброҳимов А.Хожиев, Ш.Рахматуллаев, Э.Бегматов, А.Маматовнинг мақолаларида таҳлия қизими.

Бир ёттор ишларда норманинг социолингвистик муаммолари (Қ.Хеназаров), норма ва вариандорлик масаласи (А.Бобоева, М.Асомиддинова, А.Мадвалиев), адабий норма ва илеоназм мавзуси (Р.Кўнгурев, Н.Маҳкамов), адабий норма ва паронимлар масаласи (И.Тошилиев, Э.Дадаҳўжасев) ва бошқа муаммолар ёритилган.

Ўзбек адабий тили ва нормаларининг такомилланувида адилларининг роли ҳақида бир неча мақола ва рисолалар эълон қилинган, жумладан, Навоийнинг (А.Рустамов, Б.Бафоев, Ҳ.Дониёров, С.Муталибов, Б.Умуркулов), Бобурининг (Ҳ.Назарова), Муниссининг (А.Матгозиев), Фурқат ва Муқимиининг (А.Ахмедова, Ҳ.Бердиёров), Ҳамзанинг (Ф.Камол, Ҳ.Дониёров, Э.Бегматов, Б.Турдиалиев), Абдулла Қодирийнинг (Ф.Насриддинов), Ойбекининг (Қ.Самадов), Ҳамид Олимжонининг (Ҳ.Дониёров, Қ.Самадов), Абдулла Қаҳхорининг (И.Кўчқортов, Т.Тошев, Р.Кўчқортова) роли ҳақида фикрлар юритган.

Мамаданийназ олимлари нутқ маданийти ва тил нормаси мұаммолосынан шетелдик салынты (С.Ибрахимов, Р.Күнгиров, Э.Бегматов, С.Иномхұжаев, М.Туробова), тарғиботчилар ва ташвиқотчилар нутқи (Б.Үрнибоеv, Л.Хұжаева, Б.Умурқұлов), нутқ өдеби (Ш.Раҳматуллаев, Э.Бегматов, С.Ризаев, М.Содиқова), тил эстетикаси (Х.Рустамов, С.Мелиев)* жиҳатдан ҳам тадқиқ қылмоқдалар.

Э.Бегматовнинг “Нотиқиниг подир бойлиги” (Тошкент, 1980, 37 бет) рисоласида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боруучи мутахассислар учун тил бойликларидан мақсадда мувофиқ даражада фойдаланиш ҳақида, адабий тил ва уннинг нормалари ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Маълумки, одатда, адабий тилининг қай даражада нормалашғанлыгыннан адабий нормаларни ҳолати белгилайди. Лекин шуни назарда тутиш керакки, адабий норма ва тил нормаси тушунчалари бир хил маънога эмас. Агар адабий норма фақат адабий тилга таалуқли бўлиб ва уннинг доирасида белгиланса, норма тушунчаси эса анча кенг маънони билдириб, тилининг ҳамма соҳалари ва сатҳларига тегишладир. Шу боисдан ҳам рисолада тилининг адабий тилдан бошқа яшаш

* Қавс ичида кўрсатилган муаллифларининг ишлари ҳақида қаранг:
Күнгиров Р.К., Каримов С.А. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданийти. (Библиографик кўрсаткич) Самарқанд, 1984. 100бет.

Маматов А.Э. Библиографический указатель работ по культуре речи и языковой норме. 1-часть. Ташкент, 1990. 170с.

Маматов А.Э. Библиографический указатель работ по культуре речи и языковой норме. II-часть. Ташкент, 1990. 210с.

шарҳларининг ўзига хес луганий ва услубий, грамматик формаларининг марҳуддиги қайд қилинади. Муҳолиф норма түркунчасини көнт маъниода шарҳлаб, диалект ва шевйларни сабабий тиради, шунингдек, тилларни тилләрдан фарқлаб турувчи белги бу норма түркунчаси эканлигини ўзбек ва татар тилларида ижтириғтаги мисомларда курсаты олган. Рисола назарий ижҳатдан дам мұхым ажамиятта мөлик бұлаб, ўзбек тилдиң осциллита азабий нормасининг 7 та төснин алохидә курсаттын ва улар учун хес бўлгани хусусиятини ҳам қайд қилинган.

Ўзбек тилдиң осциллита ниң жозирен бескінделде тил нормасининг назарий масалалариниң кузаттани ва ғадиқи, қалиғи энг мұхим мұаммалардан бири ҳисобланади. Шу ижҳатдан колектив мұақылдарининг “Азабий норма на чын маданияти” (Тошкент, 1983) китоби жуда матта ажамиятта эга. Китобда мисоний нормага сәнд назарий қызым Э.Бегматов томонидан ёзилған түлкеб, унда тил нормаси түркүнжеси, умуми норма ва хусусий норма, едабий норма ва уннинг хусусиятлари, белгилери, мезонлари жозирги давр тәжілшүнеслиги чотуктарнга ассоциилаб, чукур таҳлил қилинган ва умумийштерилген. Китобнинг шу қисмінде азабий тил нормасиниң характерлеріндең күйидеги энг мұхим белги ва мезонлар аникланған да системага солинган: азабий тил нормаси реал ва объектив, қонуқлаштирилған (кодификацияланған), ташланған ва баҳоланған, берқарор, түргун, консерватив, ривожланувчи (динамик), аръянавий ични, типик, умумтарқалған, янын колектив разница құлланыладын, вариантты, қаттый регламентация қилинган, услубий тармоқлашып, ёзууда мустаҳкамланған, стандарт, номинали ва мұлтабар, умумхалқ ва халқчыл, күпчилек томонидан оғли ўзлаштирилған, аяланған ҳамда тан олинған, функционал

зарур, маданий-эстетик жиҳатдан баҳолаиган, диалект ва шевалардан устун турувчи нормадир. Адабий тил нормасининг юқорида қайд этилган белги ва мезонлари ўзбек адабий тили материаллари асосида таҳлил қилинганд. Ана шу бобда, муаллиф ўзбек адабий тили нормасининг типларини умумий тарзда: 1) ёзма адабий нутқ нормаси, 2) оғзаки адабий нутқ нормасини ажратади ва бу нормалар тизимидағи лексик-семантик, талаффуз, акцептологик, фонетик, грамматик (морфологик ва синтактик), сұз ясалыш, орфографик, график, пунктуациян, стилистик нормаларини қисқача тавсифлайди.*

Китобнинг “Норма ва услуб” бўлимида услубий нормалар тил нормалари билан бир қаторда турмаслиги, балки услубий норма тил нормаларининг функционал, яъни нутқий жараёнидаги яшаш нормалари эканлигини, бу ҳоллар хар бир конкрет норма учун алоҳида-алоҳида тааллуқли эканлиги таъкидланган. Китобнинг кейинги бобларида адабий нормасининг конкрет кўринишлари ўзбек тили материаллари асосида тадқиқ қалинганд.

1988 йилда Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова, Б.Умуркуловларининг “Ўзбек нутқи маданияти очерклари” китоби нашрдан чиқди. Бу иш ушбу муаллифларнинг “Адабий норма ва нутқ маданияти” тадқиқотининг бевосита мантиқий давоми бўлиб, китобда нутқ маданияти соҳасининг мақсад ва вазифалари, нутқ маданияти тушунчасининг моҳияти ҳақида фикр юритилади. Ишда нутқ маданияти соҳасининг мустақил ва мураккаб муаммо эканлигини исботлаш учун ана шу соҳанинг моҳияти, унинг пайдо

* Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. Тошкент, 1983.

бўлиш тарихи, илмий тадқиқ этиш жиҳатлари, бонка лисоний соҳалар (лексика, стилистика, фразеология, грамматика ва бошқалар) билан муносабати, улардаги ўхшашик, алоқадорлик ва фарқли томонлар, шутқадан маданияти соҳасининг ўрганиш обьекти, мазмани, мезони ва ўлчовлари, шартлари ва категориялари, унинг лисоний ва полисоний томонлари ҳақида атрофлича фикр ёритилган.

Нутқ маданияти соҳасининг назарий муаммоларига сид ушбу таҳдиллар Э.Бегматовнинг қаламига манеубdir. Нутқ маданияти соҳасининг “асосий текшириш объекти адабий тил нормасидир, унинг шаклланиш, ривожланиш, стабиллашув қонунилларидир”,*-деб ёзди Э.Бегматов. Шунингдек, шу асосда нутқ маданияти адабий норма ва ундан норматив воситаларининг истиқболлисими ҳам аниқлаш лозимлиги уқтирилади.

Китобдан ўзбек нутқи маданияти соҳаси олдида тургак долзарб назарий ва амалий муаммолар қўйидагича тасниф қилинган: 1) нутқ маданиятининг умумиазарий проблемалари; 2) ёзма нутқ маданияти проблемалари; 3) оғзаки нутқ маданияти проблемалари; 4) нутқ маданиятининг илмий-амалий проблемалари.

Э.Бегматов томонидан айтилган бу масалаларининг зарурлиги ва долзарблиги ўзбексиздир ва ҳозирги замон тилшунослик фанининг кун тартибидаги ўз ечимини кутаётган асосий вазифалардандир. Даҳҳакиқат, ўзбек тилшунослигига юқорида келтирилган муаммолар ҳанузгача илмий жиҳатдан атрофлича ўрганилган ва тадқиқ қилинган эмас.

**Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Тошкент, 1988. 51 бет.

Кейинги йилларда ўзбек тилишунеслигига бир қатор илмий шаржлар юзага келдиккі, бунда ўзбек адабий тили нормасыннан алоқида масалалари тәдкік қилингандай. Жумладан, А.Мадвалиевчининг “Ўзбек химия терминологияси ва унинг нормалашуви масалалари” (Тошкент, 1986) номли иомзодлик диссертациясидай ўзбек тили кимё атамаларининг ҳолати танқидий баҳолаңган ва нормалаш бўйича илмий тавсиялар берилгандай.

